Для обеспечения безопасного функционирования мостов необходимо произвести следующие работы с учетом более современных конструктивных и функциональных решений с соблюдением надлежащего качества:

- 1) полную реконструкцию аварийных мостов;
- 2) капитальный ремонт мостов, находящихся в предаварийном состоянии;
- 3) необходимый объем ремонтных работ на мостах, находящихся в неудовлетворительном состоянии;
- 4) при необходимости профилактические работы на мостах, находящихся в удовлетворительном состоянии.

С учетом сейсмичности и грунтовых условий территорий при возможности необходимо также произвести антисейсмические работы на мостах, на которых они не проводились. При балочных разрезных конструкциях основное внимание при этом необходимо обратить на ударные колебания последовательно расположенных пролетных строений и выпадение их с насадки. С этой целью используются ограничительные устройства, ограничивающие продольные и в некоторых случаях при необходимости поперечные смещения несущих балок.

При возведении новых или реконструкции старых мостов протяженностью более 40 м в настоящее время необходимо внедрять в практику использование балочных мостов с неразрезными пролетными строениями.

К примеру, при глубоком залегании скальных грунтов по оси мостового перехода в Японии применены неразрезные конструкции с распределением продольной сейсмической нагрузки на все опоры со специальными соединениями пролетных строений с опорами. Интересна конструкция закрепления пролетных строений пятипролетного моста Сетагава общей длиной 232 м

(рис. 5). Нагрузка от торможения передается на анкерную опору с помощью стальных стержней, которые легко разрушаются под действием расчетной сейсмической нагрузки. После разрушения стержней неразрезная балка перемещается по опорным частям до тех пор, пока заделанные в балку стопоры не коснутся стенок углублений в подферменных плитах, после чего сейсмическая нагрузка воспринимается всеми опорами. Однако из-за влияния температуры воздуха на величину зазоров стопоры воспринимают нагрузку от движущейся балки неодновременно. Для исключения этого недостатка углубления заполняются вязким веществом, создающим очень большое сопротивление быстрым перемещениям стопоров, но не препятствующим их медленным перемещениям от изменения температуры воздуха [2].




Рис. 5. Закрепление неразрезного пролетного строения моста Сетагава: 1 – выключающие связи; 2 – стопоры; 3 – опора, воспринимающая силу торможения

Таким образом, в целях безопасного функционирования мостовых сооружений необходимо производить своевременные качественные профилактические и ремонтные работы в полном запланированном объеме на основе более современных методов и средств. Для бесперебойного экономического и социального функционирования территорий следует уделять большое внимание мостам, расположенным на автомагистралях, межобластных, междугородних и межрайонных дорогах, а также в черте городов. Эти мосты являются стратегическими объектами, так как остановка их функционирования приводит к образованию хаотического движения автотранспорта на близрасположенных мостах и усложняет пешеходную коммуникацию. Кроме того, городские мосты являются опорами для внеплановых (не запланированных по проекту) городских сетей коммуникаций, таких как газопроводы, водопроводы, теплотрассы, телекоммуникационные и электрические кабели [3]. Необходимо предпринять меры по установлению балансодержателя каждого мостового сооружения и установить надзор за их техническим состоянием со стороны региональных управлений автомобильными дорогами, хокимиятов и УЧС.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] ШНК 3.06.07-08. Мосты и трубы. Правила обследования и испытаний.
- [2] Антисейсмические устройства в мостостроении. Вып. 1. М., 1986.
- [3] Кожушкo В.П. Повышение долговечности автодорожных мостов. Харьков, 2016.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений
им. М.Т. Уразбаева АН РУз

Дата поступления
09.07.2019

Х.Байбулатов, Ж.Гайибов. Наманган вилоятининг умумий фойдаланиш йўлларидаги кўприк иншоотларини кўриқдан ўтказиш натижалари

Мақолада Наманган вилоятидаги кўприк иншоотларини диагностик натижалари ва кўприк қурилишидаги баъзи зилзилабардошликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар келтирилган.

H.Baybulatov, J.Gayibov. Results of diagnostics of bridge structures on the roads of general use of the namangan region

The article describes the results of diagnosing bridge structures in the Namangan region and provides some recommendations on anti-seismic measures in bridge construction.

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ИШЛАШ ЧУҚУРЛИГИ ВА УНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ


Ерларга ишлов бериш қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирилган агротехника тадбирлари ичида муҳим ўринни эгаллайди. Бу агротехника тадбири ўз вақтида ва сифатли бажарилгандагина уруғларни бир текис экиш ва қийғос ундириб олиш, ўсимликларни ривожланиши ҳамда ҳосил тўплаши учун мақбул шароитлар яратилади. Бундан ташқари тупроққа сифатли ишлов берилганда экиш, экинларни парваришlash ва ҳосилни йиғиштириб олишда қўлланиладиган машиналарнинг иш сифати ва унуми ортади, ёнилғи сарфи камаяди.

Ишлов бериш чуқурлиги ва унинг барқарорлиги (бир текислиги) барча тупроққа ишлов бериш машиналарининг асосий иш кўрсаткичлари ҳисобланади. Ишлов бериш чуқурлиги талаб даражасида бўлса ва унинг барқарорлиги, яъни бир текисда бўлиши таъминланса экинларни бир текис ривожланиши ва пишиб етилишига ҳамда улардан юқори ҳосил олишга эришилади, акс ҳолда эса, яъни белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва унинг барқарорлиги таъминланмаса ўсимликларни нотекис ривожланиши натижасида ҳосилдорлик 12 – 15 фоизга пасаяди. Шу сабабли ҳам ҳар бир тупроққа ишлов бериш машинаси учун ишлаш чуқурлиги ва унинг белгилангандан четланишлари (нотекислиги)га қатъий талаблар қўйилган [1].

Ҳозирда республикамызда тупроққа асосан осма плуг, тиркама ва осма тишли борона ҳамда чизел-культиватор ва бошқалар ёрдамида ишлов берилади.

Ушбу мақолада тупроққа саёз ишлов беришда қўлланиладиган янги ишлаб чиқилган шарнирли-тебранма тишли боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор (бир текис) бўлишини таъминлаш мақсадида ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган борона [2, 3] тракторга осиб қурилмаси билан жиҳозланган рама 1, ишчи звенолар 2 ва уларга маҳкамланган тишлар 3, уларни ўзаро боғлаб турувчи халқалар 4 ҳамда ишчи звеноларни рамага боғлаб турувчи тортқилар 5 дан иборат (1-расм). Иш жараёнида ҳар бир ишчи звено дала юзасидаги нотекисликларга мослашиши ва учта фазовий текислик бўйича қўшимча тебранма ҳаракат қилиш имкониятига эга. Бу ўз навбатида тупроққа ишлов бериш сифатини яхшилаши ва энергия сарфини камайишига олиб келади.



1-расм. Шарнирли-тишли боронанинг схемаси: 1 – рама; 2 – ишчи звенолар; 3 – тишлар; 4 – халқалар; 5 – тортқилар

Боронанинг ишлов бериш чуқурлиги (бороналаш) бўйича барқарор юриши асосан уни тупроққа ботирувчи куч Q_6 ни ўзгарувчанлигига боғлиқ бўлиб, бу куч иш жараёнида мумкин қадар ўзгармаслигини таъминлаш зарур ҳисобланади.

2-расмда боронага бўйлама – тик текисликда таъсир этувчи кучлар схемаси ва кўпбурчаги келтирилган. Улардан фойдаланиб боронани тупроққа ботирувчи куч Q_6 ни аниқлаймиз


$$Q_6 = N = m_6 g - P_{xz} \sin \alpha \quad (1)$$

ёки $P_{xz} = R_0 / \cos \alpha$ эканлигини ҳисобга олганда (бу кучлар кўпбурчагидан келиб чиқади)

$$Q_6 = N = m_6 g - R_0 \tan \alpha, \quad (2)$$

бу ерда N – тупроқ томонидан боронага таъсир этувчи тик реакция кучи; m_6 – боронанинг массаси (рама билан); g – эркин тушиш тезланиши; P_{xz} – бўйлама – тик текисликда трактор томонидан

боронага қўйилган тортиш кучи (бу куч боронанинг оний айланиш маркази π га қўйилган); α – боронанинг бўйлама – тик текисликдаги тортиш чизигини горизонтга нисбатан оғиш бурчаги; R_0 – боронанинг тортишга қаршилик кучи.




2-расм. Бўйлама – тик текисликда боронага таъсир этувчи кучлар схемаси (а) ва кўпбурчаги (б)

Тупроқ физик – механик хоссаларининг ўзгарувчанлиги ва дала юзасининг нотекислиги сабабли иш жараёнида боронанинг тортишга қаршилиги R_0 тўхтовсиз ўзгариб туради. (2) ифодадан кўриниб турибдики, бу ўзгариш боронани тупроққа ботирувчи куч Q_6 ни ботиш чуқурлигини ўзгаришига олиб келади. Натижада ишлов бериш чуқурлигининг бир текисда бўлиши таъминланмайди.

(2) ифода бўйича яна шуни таъкидлаш мумкинки, R_0 куч ва тупроқ физик – механик хоссалари ўзгарувчанлиги ҳамда дала юзаси нотекислигининг Q_6 га таъсири борона тортиш чизиги πO нинг горизонтга оғиш бурчаги α га боғлиқ бўлиб, бу бурчак қанчалик кичик бўлса, R_0 кучни Q_6 га таъсири шунчалик кам, боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юриши эса шунчалик юқори бўлади. Энг яхши натижага $\alpha=0$ бўлганда эришилади. Бунинг учун боронани иш жараёнида уни горизонтал ҳолатига эътибор қаратиш лозим.

Демак, ишлаб чиқилган боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминлаш учун оғиш бурчаги α мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиши лозим.

3-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, α оғиш бурчакни борона, унинг осииш қурилмаси ва трактор осииш механизмнинг параметрлари ва ўлчамлари орқали ифодалаймиз



3-расм. Борона тортиш чизигининг горизонтга оғиш бурчагини аниқлашга доир схема


$$\alpha = \arctg \left\{ \left\{ H_2 \left(H_3 - H_1 + h \right) \left[\sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A \right] + (H_1 - 0.5h) \times \right. \right. \\ \times \left. \left[(H_2 - Z_A) \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A (H_3 - H_1 + h) \right] \right\} : \\ : \left\{ H_2 \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} \left[\sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A \right] + \right. \\ \left. + L \left[(H_2 - Z_A) \sqrt{l_6^2 - (H_3 - H_1 + h)^2} - X_A (H_3 - H_1 + h) \right] \right\} \right\}, \quad (3)$$

бунда H_1 – борона таянч текислиги (тишлари учи)дан у осииш қурилмасининг пастки осииш нуқта-

лари $C(C_1)$ гача бўлган тик масофа; H_2 – борона осииш қурилмасининг пастки $C(C_1)$ ва юқориги B осииш нуқталари орасидаги тик масофа; H_3 – трактор таянч текислигидан у осииш механизми пастки бўйлама тортқиларининг қўзғалмас шарнирлари $D(D_1)$ гача бўлган тик масофа; X_A, Z_A – мос равишда трактор осииш механизмининг қўзғалмас нуқталари A ва $D(D_1)$ орасидаги горизонтал ва тик масофалар; h – ишлов бериш чуқурлиги; l_6 – трактор осииш механизми пастки бўйлама тортқиларининг узунлиги; L – борона пастки осииш нуқталаридан унинг қаршилиқ маркази O гача бўлган масофа.

(3) ифодадаги H_2, H_3, X_A, Z_A, l_6 , ва L масофалар стандартлашганлиги [4] ҳамда трактор ва борона конструкцияларидан маълум бўлганлиги, ишлов бериш чуқурлиги эса агротехника талабларига мос келиши лозимлиги сабабли боронани ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминловчи юқорида таъкидланган шарт, яъни борона тортиш чизигини горизонтга оғиш бурчаги α мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиш шарти асосан H_1 масофани ўзгартириш ҳисобида таъминланади.


Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тишли боронанинг экспериментал тадқиқотлари ўтказилди. Бунда тишли боронанинг таянч текислигидан у осииш қурилмасининг пастки осииш нуқтасигача бўлган тик масофа 50 мм интервал билан 550 дан 700 мм гача оралиқда ўзгартирилди. Агрегатни ҳаракат тезликлари 6.7 ва 9.3 км/соат қабул қилинди. Асосий кўрсаткич сифатида ишлов бериш чуқурлиги h ва боронанинг тортишга қаршилиги R_6 ўрганилди ($R_6=R_0$) (4, 5-расмлар).



4-расм. Шарнирли-тебранма тишли боронанинг таянч текислигидан осииш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофани ишлов бериш чуқурлиги (M_{yp}) ва унинг ўртача квадратик четланиши ($\pm\sigma$) га таъсири: $1 - M_{yp}=f(H_1)$; $2 - \pm\sigma=f(H_1)$; мос равишда агрегат ҳаракат тезлиги 6.7 (а) ва 9.3 (б) км/соат бўлганда

Шарнирли-тебранма тишли боронанинг таянч текислигидан осииш қурилмасининг пастки осииш нуқтасигача бўлган тик масофа ортиши билан ишлов бериш чуқурлиги иккала тезликда ҳам ортиб борган (4-расм), уни ўртача квадратик четланиши камайган, ишлов бериш чуқурлигининг бир текислиги таъминланган.

Борона таянч текислигидан унинг пастки осииш нуқтасигача бўлган масофа 600 мм дан кичик бўлганда, белгиланган чуқурликка эришилмаган ва ундан катта бўлганда эса боронани белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда барқарор ишлаши таъминланган. Борона таянч текислигидан у осииш қурилмасининг пастки осииш нуқтасигача бўлган тик масофани 550 дан 700 мм гача ортиши унинг тортишга қаршилигини 0.27 – 0.31 кН га ортишига олиб келган (5-расм).



5-расм. Шарнирли-тебранма тишли боронанинг тортишга қаршилигини унинг таянч текислигидан осииш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофага боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги: мос равишда агрегат ҳаракат тезлиги 6.7 (1) ва 9.3 (2) км/соат бўлганда

Хулоса: Ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шарнирли-тебранма тишли борона 1.4 – 2.0 классдаги тракторлар билан ишлатилганда борона томонидан тупрокка ишлов бериш чуқурлиги талаб даражасида (5 ± 1 см) ҳамда энергия сарфи кам бўлиши учун H_1 масофа, яъни боронанинг таянч текислигидан у осииш қурилмасининг пастки осииш нуқталаригача бўлган тик масофа камида 600 – 650 мм бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Абдувахобов Д.А. Новый способ определения показателей устойчивости глубины обработки почвы // Инновационные технологии. Международная научно-практическая конференция. Уфа. Россия, 2018. С. 4 – 6.
- [2] Патент ЎзР №FAP 01174. Тишли борона / Мухамедов Ж., Тўхтақўзиев А., Умурзаков А., Абдувахобов Д. // Расмий ахборотнома. 2017. № 3.
- [3] Мухамедов Ж., Умурзаков А., Абдувахобов Д. Обоснование основных параметров рабочего звена бороны // Актуальные вопросы применения инженерной науки. Международная научно-практическая конференция. Рязань. Россия, 2019. С. 61 – 65.
- [4] ГОСТ 10677-2001. Устройство навесное заднее сельскохозяйственных тракторов классов 0.6 – 8. Минск: ИПК Издательство стандартов, 2002. – 11 с.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

15.04.2019 й.
қабул қилинган

Ж. Мухамедов, Д.А. Абдувахобов, Н.М. Комилов. Влияние на работоспособность равномерности хода почвообрабатывающих машин по глубине обработки почвы

В статье проанализированы результаты проведенных теоретических и экспериментальных исследований по обеспечению требуемой равномерности глубины обработки почвы, разработанной шарнирно-колебательной зубовой бороной.

J. Muhamedov, D.A. Abduvahobov, N.M. Komilov. Influence on the working capacity of the university of the process of soil treatment machines by the depth of soil treatment

The results of the research to ensure the required soil treatment depth uniformity developed oscillatory spike-tooth harrow.

УЎК 677.21.021:621.97

А. ПАРПИЕВ, Н.А. ХУСАНОВА

ПАХТА НАМЛИГИГА ПНЕВМОУЗАТИШ ТИЗИМИНИНГ ТАЪСИРИ

Муаммонинг ҳолати. Пахта тозалаш корхоналарида иссиқ вақтда терилган I - нав пахта толалари ва юкори ҳароратда қурилган паст нав пахта толаларининг намлиги аксарият ҳолларда стандарт талабларидан (5.5 – 8 %) паст (4 – 5 %) бўлганлиги сабабли, уни технологик жараённинг турли нуқталарида намланади [1, 2]. Пахта ёки толани намлашда ҳаво, сув буғи ёки сувни майда заррачалар ҳолида пуркаш усуллари қўлланилади [3].

Пахта ва толани намлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар [4 – 7] ишлаб чиқаришга татбиқ этилган бир қатор намлаш усуллари, жумладан, пахтани тозалаш ускуналаридан кейин пневмотруба тизимида, жин таксимловчи шнегида, толани тола узатиш қувурларида, конденсорда, пресс тарновида намлаш усуллари самарадорлиги пастлигини (0.2 – 0.5 %) кўрсатди [8].

Пахта ёки толани намлашни мураккаблигининг асосий сабабларидан бири уни намланмайдиган материаллар тоифасига кириши ҳисобланади. Намлаш жараёнида пуркалган сув ёки сув буғи тола қатламига дисперс ҳолда майда томчи заррачалари ҳолида конденсация бўлади. Конденсация бўлган томчилар тола юзаси билан жуда кичик контактда бўлади. Агар намлаш жараёнидан сўнг, пахта ёки тола ҳаво ёрдамида узатилса ёки механик таъсирга учраса томчилар толадан ажралиб кетиши мумкин.

Маълумки ҳозирда пахта тозалаш корхоналарида пахта УХК тозалаш оқимидан кейин пневматик қувур олдида намланади [9]. Намланган пахта пневматик қувурга узатилганда, уни юзасидаги томчи ҳолатидаги намлик пахтага нисбатан катта нисбий тезликдаги ҳаво босими

таъсирида ҳавога ўтиб кетади, натижада намлаш самарадорлиги пасаяди. Лекин ушбу жараён умуман ўрганилмаган.

Мазкур мақолани асосий мақсади намланган пахтани пневматик трубаларда намлигини ўзгаришини аниқлаш бўлиб, махсус диаметри 300 мм, узунлиги 3 м бўлган трубада тажрибалар ўтказилди.


Тажриба учун намлиги 7.0 % бўлган 150 г пахта тортиб олиниб уни юзасига махсус пуркагич ёрдамида турли миқдорда (4.8 ва 15 г) дисперс ҳолда сув пуркалди. 65°C ҳароратдаги сув билан 15 г, сўнгра пневмотрубадан бир неча марта ўтказилди. Трубада ҳаво оқими тезлиги 12 м/с бўлди. Тажриба 3 марта ўтказилиб, пахта тортилиб намлиги аниқланди. Пахтани абсолют қуруқ вазни 140.17 г ни ташкил этди.

Тажриба натижалари жадвал, 1- ва 2-расмларда келтирилган.

Пневмоқувурдан ўтказилганда пахта оғирлигини ўзгариши

№	Такрорлаш сони	Пахта оғирлиги, г						
		Ўтказилиш сони						
		0	1	2	3	4	5	6
1.	1	154	151.78	151.38	151.12	150.86	150.62	150.36
2.	2	154	151.4	150.96	150.55	150.36	150.1	149.86
3.	3	154	151.46	151.1	150.82	150.59	150.12	149.91
4.	ўрта	154	151.55	151.15	150.83	150.60	150.28	150.04
5.	1	158	156.4	155.73	155.43	155.18	154.94	154.46
6.	2	158	158.09	157.74	157.31	156.94	156.72	156.28
7.	3	158	155.43	154.97	154.68	154.46	154.15	154.01
8.	ўрта	158	156.6	156.1	155.8	155.5	155.3	154.9
9.	1	165	159.98	159.35	158.92	158.38	158.0	157.67
10.	2	165	161.74	160.92	159.98	159.67	158.8	158.52
11.	3	165	160.6	160.01	159.62	159.16	158.86	158.36
12.	ўрта	165	160.77	160.09	159.51	159.07	158.55	158.18

Жадвалдан кўриниб турибдики, пневмоқувурдан ўтказилган пахта оғирлиги сезиларли даражада камаймоқда. Пахтага 4 гр сув пуркалганда уни оғирлиги пневмоқувурдан 6 марта ўтганда 154 дан 150.04 г гача камаймоқда, яъни пуркалган 4 г сувни фақат 0.04 г, 8 г пуркалганда 3.1 г, 15 г пуркалганда эса 6.82 г қолмоқда.



1- расм. Пахта намлигини пневмоқувурдан ўтишида ўзгариши ошган. Лекин 2.21 ва 4.86 % намлик ҳавога ўтиб кетган.

Олинган натижаларни таҳлили пахтани самарали намлаш учун кўпроқ сув пуркаш кераклигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, пахтага сув пуркалганда қатлам юзаси намланиб ички қисмлари намланмай қолиши натижасида намлаш нотекислиги пайдо бўлади. Бу эса пахтани жинлаш жараё-

Пахта намлигини пневмоқувурдан ўтиш жараёнида ўзгаришини (1. расм) таҳлили, сув миқдори ошган сайин пахтада қолаётган сув заррачалари миқдори ҳам ошиб боришини кўрсатди. Пахтага 4 г сув пуркалганда, яъни уни ўртача намлиги 7.01 % дан 9.87 % га қўтарилганда 6 марта қувурдан ўтгандан сўнг намлиги 7.04% га тушиб қолган, 2.83% намлик ҳавога ўтиб кетган, натижада пахта фақат 0.03 % га намланган. Пуркалган сув миқдори 8 ва 15 г, яъни пахта намлиги 12.72 ва 17.7% бўлганда пахтада қолдиқ намлик 10.51 ва 12.85 % бўлган, яъни мос равишда 3.5 ва 5.84 % га

нига салбий таъсир этади, жин ускунасини барқарор ишлашига путур этади, тола сифати бузилиши мумкин. Шу сабабли пневмокувурдан ўтган пахталарни 12 та қисмидан намуна олиниб намлиги аниқланди.

Пахта намлиги нотекислигини қуйидаги формулалар орқали аниқланди:

$$P = W_{\max} - W_{\min} , \quad (1)$$


$$P = \frac{W_{\max} - W_{\min}}{W_{\text{ўрт}}}, \quad (2)$$

бунда $W_{\max}$, $W_{\min}$ – пахта намуналарининг максимум ва минимум намликлари, %; $W_{\text{ўрт}}$ – пахтанинг ўртача намлиги, %.

Пахта намлиги нотекислигини (1)-формула ёрдамида аниқланиши пахтадаги максимал намлик миқдорини билиш кераклиги талабидан келиб чиққан.

Чунки пахта намлиги нотекислиги миқдори уни таркибидаги микроорганизмларни ҳаёт фаолияти тезлигига таъсир этади. Пахта намлиги қанча юқори бўлса микроорганизмлар фаоллашади, тола сифатига таъсир этади, толани сақлаш жараёнида сарғайтиради. Шунинг учун пахтадаги максимал намликни билиш шарт. 2-формула эса намлаш нотекислигини нисбий ҳолда, яъни ўртача намликдан қанча четлашишини аниқлайди.

Тажиба натижалари 2-расмда келтирилган.



2- расм. Сув пуркалган пахта намлигини нотекислиги: а – пахтага 15 г сув пуркалганда; б – пахтага 8 г сув пуркалганда; в – пахтага 4 г сув пуркалганда

Кўриниб турибдики пуркалаётган намлик миқдори ошган сайин намлик нотекислиги ҳам ошиб бормоқда. Пахтага 4 г сув пуркалганда намлик нотекислиги 2.2 % ни ташкил этса, 15 г сув пуркалганда 10.2 % га тенг бўлади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- Намланган пахтани пневмокувурларга узатишда уни намлиги кескин камайиши аниқланди. Бунинг асосий сабаби, узатувчи ҳавони пахтага нисбатан нисбий тезлиги катта бўлиши ва пахта юзасидаги томчи ҳолида бўлган намликни тола билан боғланиши кучсиз эканлиги ҳисобланади.

- Пахтани сув пуркаб намлаганда намлаш фоиизи ошган сайин намланиш нотекислиги ҳам ошиб бориши кузатилди. Бу ҳолат пахтани жинлаш жараёнига салбий таъсир этиши мумкин.

- Намлаш самарадорлигини ошириш учун намланган пахтани аэродинамик ёки механик таъсирсиз маълум муддат аралаштириб намлик тақсимланиши ва намликни тола билан боғланиш кучини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ-70-2017). “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ. Тошкент, 2017.
- [2] Гуляев Р. А. Методы создания комплексной технологии увлажнения хлопка-сырца и хлопкового волокна на хлопкоочистительных заводах: Автореф. дис. ... докт. техн. наук. Ташкент, 2016.
- [3] Зоиров Ф. А. Исследование увлажнения хлопка-волокна и его влияние на физико-механические свойства: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. Ташкент, 1979.
- [4] Никитин Р. П. Исследование методов совершенствования процесса увлажнения хлопкового волокна перед прессованием. М., 1978.
- [5] Lugachev A.E., Gulyayev R.A., Mardonov B.M., Kadirov J.Dj., Nazirov R.R., Ahmedov A.A., Kamalov N.Z., Borodin P.N. Uzbek cotton: competitive advantages and achievements in cotton science // 33rd International cotton conference. Bremen, 2016. P. 1 – 9.
- [6] Anthony W.S., Griffin A.C. Fiber breakage at gins: moisture and heat // Cotton Gin and Oil Mill Press. 2001. N. 102(23). P. 10 – 13.
- [7] Moore V.P., Griffin C.Jr. The relationship of moisture to cotton quality preservation at gins. USDA-ARS Publ. 1964. P. 42 – 105.
- [8] Anthony W.S., Griffin A.C. Fiber breakage at gins: moisture and heat // Cotton Gin and Oil Mill Press. 2001. N. 102(24). P. 6 – 9.
- [9] Anthony W.S. Performance characteristics of cotton ginning machinery // Trans. ASAE. 1990. N.33(4).P.1089–1098.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

17.06.2019 й.
қабул қилинган

А. Парпиев, Н.А. Хусанова. Влияние пневмотранспортировки на влажность хлопка-сырца

В статье изучены факторы, влияющие на влажность хлопка-сырца. Установлено изменение влажности хлопка-сырца при пневмотранспортировке. Дан анализ полученных результатов исследования.

A. Parpiev, N.A. Khusanova. Impact of pneumatic conveying on raw cotton moisture

The article studies the influencing factors on the moisture of raw cotton, determines the change in humidity of raw cotton during pneumatic transport, and analyzes the results.

УДК 677.017.463:531.43

К.С. СУЛТАНОВ, С.И. ИСМОИЛОВА, Ш.Э. ТУЛАНОВ

ПРОЧНОСТЬ ХЛОПЧАТОБУМАЖНОЙ ПРЯЖИ ПРИ НЕРЕГУЛЯРНЫХ ДИНАМИЧЕСКИХ НАГРУЗКАХ

В [1] на основе результатов серийных экспериментов по растяжению хлопчатобумажной пряжи с различными линейными плотностями кардной системы, полученной пневмомеханическим способом прядения, предложена физически-нелинейная модель в следующем виде:

$$E_D^{-1}(\varepsilon) \frac{d\sigma}{dt} + E_S^{-1}(\varepsilon) \mu(\varepsilon) \sigma = \frac{d\varepsilon}{dt} + \mu(\varepsilon) \varepsilon, \quad (1)$$

где σ – продольное напряжение; ε – продольная деформация; $E_S(\varepsilon)$ и $E_D(\varepsilon)$ – переменные модули статического (при $d\varepsilon/dt \rightarrow 0$) и динамического (при $d\varepsilon/dt \rightarrow \infty$) деформирования материала; $\mu(\varepsilon)$ – переменный параметр объемной вязкости материала, который связан с коэффициентом объемной вязкости материала $\eta(\varepsilon)$ уравнением

$$\mu(\varepsilon) = \frac{E_D(\varepsilon)E_S(\varepsilon)}{(E_D(\varepsilon) - E_S(\varepsilon))\eta(\varepsilon)}. \quad (2)$$

Как видно, уравнение (1) является физически нелинейной моделью или законом деформирования материала.

В [1] предлагаются для определения значения E_S численно-аналитические соотношения

$$E_{Si}(\varepsilon) = E_a \exp(\beta_{ab} I_{Si}), \quad (3)$$

$$\beta_{ab} = \ln(E_b / E_a), \quad (4)$$

$$I_{Si} = \frac{\varepsilon - \varepsilon_a}{\varepsilon_b - \varepsilon_a}, \quad (5)$$

где E_{Si} – номер точки, для которой определяется значение E_S на отрезке $[ab]$, параметры с индексом (a) относятся к начальной (первой) точке, а с индексом (b) – к конечной (последней) точке отрезка, с индексом (ab) – на всем отрезке; β_{ab} – безразмерный коэффициент интерполяции, значение которого получается из (3) при $I_{Si}=1$; I_{Si} – параметр, характеризующий структурное изменение в пряже на рассматриваемом отрезке аппроксимации функции $E_S(\varepsilon)$.

Функция $E_D(\varepsilon)$ определяется из соотношения

$$\gamma = \frac{E_D(\varepsilon)}{E_S(\varepsilon)}. \quad (6)$$

Предположим, что параметр вязкости при растяжении пряжи в диапазоне изменения деформации $0 \leq \varepsilon \leq \varepsilon_k$ уменьшается по экспоненциальному закону

$$\mu(\varepsilon) = \mu_N \exp(-\alpha \varepsilon / \varepsilon_k), \quad (7)$$

где μ_N – начальное значение параметра вязкости для структурно неразрушенной пряжи, α – безразмерный коэффициент, характеризующий интенсивность убывания значения μ ; ε_k – критическое значение деформации, при которой обрывается пряжа.

При $\varepsilon = \varepsilon_k$ получим

$$\mu = \mu_k = \mu_N e^{-\alpha}. \quad (8)$$

Отсюда

$$\alpha = \ln(\mu_N / \mu_k). \quad (9)$$

Закон деформирования пряжи (1) описывает процесс растяжения пряжи до обрыва. В технологических процессах текстильного производства возможны случаи разгрузки пряжи.

Предлагается феноменологический закон разгрузки пряжи, исходя из общих принципов теории пластичности в виде

$$\frac{d\sigma}{E_R(\varepsilon)dt} = \frac{d\varepsilon}{dt} \text{ при } \frac{d\varepsilon}{dt} < 0, \quad (10)$$

где $E_R(\varepsilon)$ – переменный модуль разгрузки, учитывающий пластические свойства деформирования пряжи.

Для определения значения модуля разгрузки при растяжении пряжи феноменологически предлагаются следующие соотношения:

$$E_R(\varepsilon) = E_T \text{ при } 0 \leq \varepsilon \leq \varepsilon_e, \quad (11)$$

$$E_R(\varepsilon) = E_T \exp[\varphi(I_S)] \text{ при } \varepsilon_e \leq \varepsilon \leq \varepsilon_m, \quad (12)$$

$$E_R = E_T \exp\left[\varphi\left(\frac{\varepsilon_m}{\varepsilon_e} - 1\right)\right] \text{ при } \varepsilon \geq \varepsilon_m, \quad (13)$$

где E_T – текущее значение модуля деформации в момент разгрузки, определяемое из уравнения (3); $\varphi = \varepsilon_e \ln(K_R) / \varepsilon_m$ – безразмерный коэффициент, характеризующий наклон кривой разгрузки к оси деформации на диаграмме $\sigma(\varepsilon)$; $K_R = E_R / E_T$ – безразмерный коэффициент, характеризующий максимально возможное значение модуля разгрузки; $I_S = \varepsilon / \varepsilon_e$ – параметр, характеризующий зависимость пластических свойств пряжи при растяжении от изменения ее структуры.

Согласно результатам опытов [2 – 5], нерегулярные полуволновые нагрузки в технологических процессах описываются уравнением

$$\varepsilon(t) = abs\left(\varepsilon_a \sin \frac{\pi t}{2t_k}\right), \quad (14)$$

где ε_a – амплитуда (максимальное значение) деформации, при которой происходит разгрузка.

Согласно уравнению (14), текущее значение деформации $\varepsilon(t)$ всегда положительное, так как пряжа только растягивается и не работает на сжатие.

Исходными данными для расчетов принимаем, что значение μ_N меняется в диапазоне от $\mu_N = 100 \text{ с}^{-1}$ до $\mu_N = 1 \text{ с}^{-1}$. Параметрами предложенной модели (1) и их значений являются результаты обработки опытов по растяжению хлопковой пряжи с линейной плотностью $T = 50.03 \text{ текс}$ [1]: $\varepsilon_N = 0.00025$; $\varepsilon_e = 0.00162$; $\varepsilon_m = 0.01317$; $\varepsilon_k = 0.06202$; $E_N = 3195.0 \text{ МПа}$; $E_e = 2130.0 \text{ МПа}$; $E_m = 4074.7 \text{ МПа}$ и $E_k = 2920.0 \text{ МПа}$.

Изменения деформации по времени при различных параметрах нагрузки показаны на рис. 1. Цикличность процесса «нагрузка – разгрузка» происходит до тех пор, пока деформация не достигнет критического значения ε_k . В момент $\varepsilon = \varepsilon_k$ происходит обрыв пряжи.

Разное изменение деформации по времени происходит с увеличением параметра $K_R = E_R/E_T$ (см. рис. 1, кривые 2 и 3).




Рис. 1. Варианты изменения деформации растяжения пряжи: 1 – $E_R = E_T$; 2 – $E_R = \gamma E_T$; 3 – $E_R = 5\gamma E_T$; 4 – $E_R = 10\gamma E_T$; 5 – $E_R = 10\gamma E_T$; 3⁰ – изменение $\sigma(t)$




Рис. 2. Упруговязкопластическая модель деформирования пряжи в зависимости от линейной плотности пряжи

На рис. 2 приведены полуциклы «нагрузка – разгрузка» при значениях линейных плотностей $T = 10, 20, 30, 50, 70$ и 100 текс, полученные на ЭВМ (соответственно кривые 1–6). В этих вариантах исходные значения параметров следующие: $\gamma_N = 1.1$; γ_m 2 и $\mu_N = 1 \text{ c}^{-1}$; $K_R = 100$; $n = 5$; $\varepsilon_{\max} = 0.97\varepsilon_m$. В вариантах расчётов на ЭВМ изменялись только значения линейных плотностей пряжи T .

Как видно из рис. 2, с увеличением линейной плотности пряжи значение критической деформации растёт, следовательно, увеличивается критическое напряжение, при котором обрывается пряжа. Зависимость $\sigma(\varepsilon)$ является нелинейной, а процесс деформирования пряжи необратимым.

Таким образом, разработанный на основе результатов опытов по растяжению пряжи упруговязкопластический закон полностью описывает процесс деформирования пряжи при различных нагрузках, включая полуциклично-нерегулярные динамические нагрузки, возникающие в технологических процессах текстильного производства [2 – 5].

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Султанов К.С., Исмоилова С.И. Структурная прочность текстильных нитей. Монография. Ташкент: Фан, 2017. – 256 с.
- [2] Кузнецова Н.С. Взаимосвязь деформации и напряжения порции волокнистого материала при сжатии и снятии нагрузки // Вестник КГТУ. 2005. №1. С. 13 – 14.
- [3] Кузина Т.А., Болотный А.П. Влияние динамики испытательной машины на процесс разрушения нити при нерегулярных нагрузках // Вестник КГТУ. 2005. № 11. С. 65 – 67.
- [4] Кузина Т.А., Герасимова С.Ф. Экспериментальные исследования процесса разрушения нитей от нерегулярных нагрузок // Вестник КГТУ. 2009. № 21. С. 72 – 75.
- [5] Кузнецова Н.С. Исследование деформационных свойств волокнистого материала в массе при сжатии и снятии нагрузки с учётом релаксации // Вестник КГТУ. 2009. № 21. С. 69 – 72.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений
им. М.Т. Уразбаева АН РУз

Дата поступления
15.05.2019

К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Номунтазам динамик юкланишлар таъсиридаги пахта ипининг мустаҳкамлигини аниқлаш

Мақолада пахта ипининг мустаҳкамлигини, унинг физик нозизиқ эластик-ёпишқоқ пластик модели асосида, ярим цикли номунтазам динамик юкланишлар таъсирига ҳисоблаш натижалари келтирилган.

K.S. Sultanov, S.I. Ismoilova, Sh.E. Tulanov. Strength of cotton yarn under irregular dynamic loads

Results of calculations of cotton yarn strength are given in the paper on the basis of a physically nonlinear elastic-viscoplastic model under semi-cyclic irregular dynamic loads.

ХРОНИКА

ОСНОВАТЕЛЬ СОВРЕМЕННОЙ НАУЧНОЙ ШКОЛЫ ПО ТЕОРИИ МЕХАНИЗМОВ И МАШИН

Земля Узбекистана богата выдающимися учеными и мыслителями в разных областях науки, в том числе в области теоретической и прикладной механики. Имена Ал-Хоразмий, Ал-Ферганий, Абу Райхан Беруни, Абу Али Ибн Сино, Абу Юсуф ал-Хоразмий, Исмоил ал-Жазарий, Мирзо Улугбек, Али Кушчи всемирно известны, и благодаря целенаправленной политике руководства республики сегодня возрождаются целые направления в науке по изучению и распространению их наследия.

Постановление Президента РУз Ш.М. Мирзиёева от 17 февраля 2017 г. № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» дало огромный импульс в организации научных исследований в системе Академии наук республики. Вместе с другими НИИ был восстановлен Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева, где в настоящее время в научных лабораториях выполняются исследования в направлениях механики деформируемого твердого тела с выходом на сейсмостойкость и прочность сооружений, механики механизмов и машин, механики жидкостей и многофазных сред. Укрепляются научно-техническая база и научный потенциал за счет подготовки докторов наук и привлечения молодых ученых и специалистов для выполнения исследований по актуальным и востребованным направлениям механики. На основе межведомственных совместных проектов развиваются фундаментальные, прикладные исследования и инновационные работы по сельскохозяйственному машиностроению, в том числе по хлопкоуборочным машинам на кластерной основе и по заказам реального сектора экономики.

Современная механика Узбекистана связана с именами таких известных ученых, как М.Т. Уразбаев, Х.А. Рахматуллин и среди них особое место занимает инженер-механик, известный ученый Халим Хайдарович Усманходжаев – основатель научной школы по теории механизмов и машин.

Х.Х. Усманходжаев родился 21 ноября 1919 г. в городе Ташкенте. Окончил среднюю школу в 1937 г., затем подготовительный факультет легкой промышленности, а в 1950 г. Ташкентский текстильный институт (ныне - Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности). Его трудовая деятельность началась с 1942 г. на авиационном заводе, далее – в подразделениях Минтекстильпрома, Минпросвещения, а после получения высшего образования он был назначен начальником научно-исследовательского сектора ассистентом кафедры «Теория механизмов, машин и проектирование текстильных машин» Текстильного института. С 1952 г. он аспирант Института машиноведения Академии наук бывшего Союза. В 1954 г. под руководством всемирно известного ученого академика И.И. Артоболевского защитил диссертацию на соискателя ученой степени кандидата технических наук на тему: «Некоторые вопросы кинематики и динамики механизмов смены шпуль автоматических ткацких станков». После защиты диссертации он возвращается в родной институт, где работает ассистентом, старшим преподавателем, доцентом, заместителем декана и деканом факультета.

По конкурсу перешел в Институт механики АН Узбекистана (ныне – Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева) и в 1961 г. открыл научную лабораторию «Теория механизмов и машин» и стал ее первым руководителем. Здесь же в 1965 г. защитил докторскую диссертацию на тему: «Теория механизмов и машин», в 1967 г. стал профессором, в 1968 г. был избран членом-корреспондентом, а в 1984 г. стал действительным членом Академии наук Узбекистана. К этому моменту на базе ряда лабораторий института был организован отдел «Теория механизмов и машин хлопково-промышленного комплекса», где он до конца жизни (1993) был научным руководителем отдела и одновременно заведовал лабораторией «Теория хлопкоуборочных аппаратов».

Благодаря многолетнему научно-педагогическому труду в области теории механизмов и машин, в 1962 г. впервые на государственном языке Х.Х. Усманходжаевым был издан фундаментальный учебник для инженеров-механиков «Механизм ва машиналар назарияси» («Теория механизмов и машин»). Учебник был переработан и издан с дополнениями в 1970 и 1981 гг. и ныне остается актуальным и востребованным. Разделы учебника по кинематической паре в механизмах, кинематике и динамике планетарных механизмов с учетом переменности структуры, расчет производительности машин с учетом нестабильности технологических процессов дополнены исследованиями, выполненными Халимом Хайдаровичем и его учениками. Поэтому актуальность, научная новизна и практическая востребованность этих разделов не теряют свою ценность.

Х.Х. Усманходжаевым разработана фундаментальная теория кинематической пары динамической конструкции эпициклических механизмов переменной структуры. Развита совместно с учениками теория импульсных и фрикционно-планетарных механизмов с переменной длиной водила, формула расчета передаточных отношений в этих механизмах обобщает ранее известные аналитические выражения, а знаменитая формула английского ученого Виллиса становится частным случаем в этом направлении. Разработаны научные основы приборов: универсальный эпи-гипоциклограф и определены коэффициенты трения-

скольжения, качения и верчения между элементами в парах. Метод расчета производительности технологических машин (особенно хлопкоуборочных машин) с учетом нестабильности технологического процесса позволяет прогнозировать их эффективность в условиях реальной эксплуатации.

Разработанная им теория кинематической пары динамической конструкции обобщает ранее выполненные отдельные исследования по разработке рабочих органов – шпинделей вертикально-шпиндельного уборочного аппарата.

В Институте механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева АН РУз под руководством Х.Х. Усманходжаева и его учеников разработана новая инновационная конструкция рабочего органа уборочного аппарата – составной шпиндель. На государственных испытаниях 1978 г. было зафиксировано повышение производительности машин на 18,2 %, а на сборе длинноволокнистого хлопка – на 24 % (1980 г.). Испытания в Болгарии в 1985 г. показали повышение производительности 4-рядной машины на 34 %.

Эти результаты позволили руководству республики во главе с Ш.Р. Рашидовым активно поддерживать инициативу ученых ИМиСС АН РУз. Далее к этим работам были активно подключены ученые, специалисты, конструкторы и производственники.

По данным ОАО «Тошкешлокамаш» с 1975 г. выпущено 34354 хлопкоуборочные машины различной конструкции с составными шпинделями и в общей сложности более 6,0 млн., шт. этих высокоэффективных рабочих органов уборочного аппарата. Они являются основными рабочими органами машин МХ-1,8, МХ-2,4.

Коллектив авторов разработки во главе с академиком Х.Х. Усманходжаевым, К.М. Иногамовым, И.Х. Файзиевым и конструкторами ГСКБ, технологами НПО «Технолог», а также производителем ПО «Ташсельмаш» были удостоены государственной премии им. Абу Райхана Беруни в 1989 г.

В развитии перспективного направления по созданию многоваличных джинов для переработки ценных тонковолокнистых сортов хлопка-сырца, выдвинутого и обоснованного академиком Х.Х. Усманходжаевым, в НПО «Хлопкопром» при участии сотрудников Ташкентского ГСКБ по хлопкоочистке, ТИТЛП, Института механики и сейсмостойкости сооружений АН РУз разработана новая конструкция валичного джина модульного типа.

Широкое применение получили на Ташкентском и Ленинканском (Азербайджан) текстильных комбинатах импульсные рыхлители волокнистых материалов, в основу которых заложены механизмы импульсного типа, разработанные под руководством Х.Х. Усманходжаева.

Методы, разработанные Х.Х. Усманходжаевым совместно с учениками по динамическому синтезу кулачковых механизмов, а также эпициклических механизмов с переменными передаточными отношениями, используются при разработке новых механизмов и машин и в учебных процессах.

Х.Х. Усманходжаев – участник многих совещаний, конференций, съездов, конгрессов как в нашей стране, так и за рубежом. Результаты его исследований, проведенных совместно с учениками, опубликованы в сборниках всесоюзных совещаний по теории механизмов и машин и доложены на Всесоюзных съездах по теоретической и прикладной механике, международных конгрессах по теории механизмов и машин ИФ-ТоММа.

Х.Х. Усманходжаев – автор фундаментального учебника по ТММ, трех монографий, 80 изобретений и более 300 научных и научно-популярных брошюр и статей по актуальным проблемам теории механизмов и машин. Под его руководством защищено более 40 докторских и кандидатских диссертаций.

Наряду с многогранной научной деятельностью Х.Х. Усманходжаев вел большую общественную работу. Он был членом национального комитета Международной федерации теории машин (ИФТоММ).

За развитие технических наук в республике ему присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки Узбекской ССР», за внедрение в производство импульсных рыхлителей волокнистых материалов награжден знаком «Изобретатель СССР».

В ноябре 2019 г. научная общественность нашей республики отмечает 100-летие со дня рождения Х.Х. Усманходжаева и в соответствии с письмом № 06-10/2931 от 27 мая 2019г. Министерства инновационного развития РУз Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, Институт механики и сейсмостойкости сооружений им. М.Т. Уразбаева 20–21 ноября организуют конференцию, посвященную его юбилею.

Продолжая научные традиции, заложенные академиками М.Т. Уразбаевым, Х.Х. Усманходжаевым, А.Д. Глушенко, О.В. Лебедевым, в настоящее время в республике развиваются фундаментальные, прикладные исследования и инновационные работы по динамике и прочности конструкции различного назначения во главе с академиками Т.Р. Рашидовым, М. Мирсаидовым и профессорами Г. Хожметовым, А. Ишанходжаевым, Б. Мардоновым, К. Султановым и др., по сельхозмашинам (в том числе хлопкоуборочным) академиками А. Хожиевым, Ш. Юлдашевым, Р. Матчановым, А. Садридиновым, профессорами К. Каримовым, Р. Каримовым, А.А. Ризаевым, Р. Байметовым, Г. Баходировым, Д. Мухаммадиевым, Ш. Алимухамедовым, А. Шермухамедовым, М. Ташболтаевым, А. Тухтакузиевым и др. в НИИ и вузах Республики. Ученые активно участвуют в реализации в жизнь задач, определенных Президентом РУз, пяти направлениям стратегического развития республики на перспективу.

*Академик АН РУз Т. Рашидов,
профессор А.А. Ризаев*

АКАДЕМИК ҲАЛИМ УСМОНХЎЖАЕВ: МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ (Ҳ.Ҳ. УСМОНХЎЖАЕВНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА)

Бу йил ноябр ойида таниқли механик олим, Ўзбекистонда “Машина ва механизмлар назарияси” мактабининг асосчиси ва раҳбари, ЎзР ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори, техника фанлари доктори, профессор Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаевнинг 100 йиллигини илм аҳли ва кенг жамоатчилик тантанали нишонлайди. Шу муносабат билан олимнинг тўнғич ўғли Амирсаидхон Усмонхўжаев *“Академик Ҳалим Усмонхўжаев: мактаб яратган олим”* номли хотиралар китобини нашр эттирди (Тошкент: “Фан ва технология”, 2019. – 156 бет).

Китобнинг кириш сўзи муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда академик олимлар билан учрашувда билдирган **“Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб”** деган фикрини эпиграф сифатида келтириш билан бошланган. Муаллиф отасининг илмий-педагогик фаолиятини ўз кўрган-билганлари, устозлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва қариндош-уруғларининг фикрлари асосида содда ҳамда ўқимшли қилиб баён этган. Отасининг умр йўлини, инсоний фазилатларини, сурати ва сийратини қизиқарли мисоллар билан очиб бериб, фарзандлик бурчини адо этган. Ушбу китоб ёш авлодга, илм йўлига кирган тадқиқотчиларга, фанни ҳаётининг мазмуни деб билган фидойи олимларга, кенг китобхонларга ноёб мерос – ибрат мактаби бўла олади.

Китобнинг *“Отанинг устозлари – механика фанининг атоқли олимлари”* деб номланган фаслида академиклар – И.И. Артоблевский, Х.А. Рахматулин, А.А. Ильюшин, М.Т. Ўрозбоев, Ҳ.М. Абдуллаевларнинг олимга кўрсатган беғараз ёрамлари, насиҳатлари, вазифалари уларнинг фикрлари билан очиб берилган. Олимнинг эришган ютуқларида, жаҳонга танилишида устозларнинг роли ва ўрни мисоллар билан баён этилган.

“Отамда инсоний фазилатлар шаклланишида аجدодлари билан қариндошларининг таъсири” фаслида тоғасининг ўғли Моънихон Сиддиқов, тоғаси Санжар Сиддиқ (адабий таҳаллуси), қайнотаси, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратларининг бўлғуси олимга кўрсатган таъсири қизиқарли мисоллар асосида очиб берилган. Юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишида қариндошларнинг ўрни бекиёсдир, шубҳасиз.

Китобнинг *“Қўлда пахта териш муаммосининг ечими”* фаслида олимнинг Сирдарё вилоятидаги “Малик”, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги “Москва”, Наманган вилоятидаги “Гулбоғ”, Туркменистондаги “Тажан” хўжаликларида олиб борилган тажрибалар, ўз-ўзини автоматик равишда тозалаб борадиган янги шпиндель яратишдаги машаққатлар, тўсиқлар, идоралараро низолар ва тадқиқотчининг метин иродаси ҳамда собитқадамлиги конкрет мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Ушбу фаслда муаммога одилонга ёндошган, доно раҳбар Шароф Рашидовнинг роли ва ўрни очиб берилган. Амалиётчи мутахассислар – Раҳим Ражабов, Муҳиддин Полвон, ака-ука Шодиевлар, ака-ука Латиповларнинг фикрлари ва қилган ишлари ҳақидаги материаллар ҳам янги шпиндельнинг яратилиш эволюциясини очиб беради. Ўтказилган синовлар қўйидаги натижани берган: 1. Таркибий шпиндель пахтани чаноклардан илиб олувчи махсус спираль шаклидаги тишли лентага эга бўлиб, у металл ўққа ўралади ва фақат юқори қисми билан маҳкамланади. 2. Спираль лентанинг тебранма ҳаракати натижасида шпиндель тишлари орасига кириб қолган хас-чўплар, шира ва бошқа ифлосликларни автоматик равишда тозалаб боради. 3. Шпиндельни бир кунда бир марта ювиш кифоя. Иккинчи ва учинчи теримда эса уч-тўрт кунда бир марта ювса ҳам бўлади. 4. Пахтани тоза теради, ғўзанинг энг пастки қисмидаги пахталарни қолдирмайди, ерга тўкмайди ва очилмаган кўсакларни зарарламайди. 5. Таркибий шпиндельни тайёрлаш осон, кўп маблағ ва мураккаб станокларни талаб қилмайди. Асосий ишчи қисми бўлган тишли лентани, зарур бўлса, дала шароитида ҳам осонгина алмаштириш мумкин. 6. Ўрта ва ингичка толали пахтани, ҳатто уруғлик пахтани ҳам бемалол тера олади. Механик-ҳайдовчига катта енгиллик туғдиради, йиғиб-териш олинган пахтанинг юқори сифатини таъминлайди. 7. Таркибий шпиндель ўзагини бир неча йилгача сақлаш мумкин. Чунки зарур бўлганда тишли лентанинг ўзи алмаштирилади, холос.

Ушбу ихтиро юзасидан ўша пайтдаги “Ўзбекпахтамаш” бирлашмаси Бош директори Б. Турсунов, мутасадди вазирликлар раҳбарлари билан мулоқотлари ва иқтисодчи олим Ф. Адиловнинг фикрлари келтириб ўтилган. Бу сатрларни ўқир эканмиз, ҳар қандай янгилик захматли курашлар эвазига пайдо бўлишини, консерватив ғоялар тўсиқларини ёриб ўтиш ҳисобига юзага келишини англаб етгандай бўламиз. Ҳа, академик Ҳ.Ҳ. Усмонхўжаев консерватив ғояларни ёриб ўтди – ғолиб бўлди!

Китобнинг бошқа фаслларида Ўзбекистонда машинашунос олимлар мактабининг ташкил этилиш тарихи, Ватанга ва фанга фидойи хизматнинг эътирофи этилиши, шогирдлари, олимнинг илмий мероси ва ҳаётий сабоқлари ҳақида қизиқарли материаллар берилган. Китобда нафақат ғалабалар, балки юракни титратган зарбалар билан ёнма-ён кечганлиги ўз ифодасини топган.

Бир сўз билан айтганда, китоб умрини фанга бахш этган, бир умр янгиликка интилган, машаққатлардан кўрқмайдиган маърифатпарвар инсоннинг ҳаёт ва ижод йўлини ёритувчи кўзгудир. Ушбу китобни олимлар, мутахассис муҳандислар, айниқса, ёш олимлар ўқиб чиқишини тавсия қилган бўлардик. Чунки, халқ ва ҳақиқат учун курашган ўзбек олимнинг ҳаёт йўли – эзгуликка эш бўлган барча инсонлар учун ибрат мактабидир!

*Техника фанлари доктори, профессор Анвар Ризаев,
доцент, Муҳаммад Раҳим*

ЎЗБЕКИСТОНДА «МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР НАЗАРИЯСИ» ФАНИНИНГ ФИДОЙИ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт борасида ғоят салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда, ҳақли равишда дунё майдонида юксак нуфузга эга бўлиб бормоқда, минтакавий ва халқаро масалаларда конструктив роль ўйнамоқда.

Таниқли механик олим, Ўзбекистонда ҳозирги замон машина ва механизмлар назариясининг асосчиси, ЎЗР ФА академиги, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, техника фанлари доктори, профессор Усмонхўжаев Ҳалим Ҳайдаровичнинг таваллуд топганларига бу йил 100 йил бўлади.

Ҳалим Ҳайдарович механика фанини Ўзбекистондаги ривож учун катта хизмат қилдилар, ушбу соҳада миллий кадрлар – муҳандислар, олимлар ва конструкторлар тайёрлаш, талабалар учун ўта муҳим бўлган “Машина ва механизмлар назарияси” фанидан 1962 йилда биринчи бўлиб ўзбек тилида дарслик яратдилар, уни 1970 ва 1981 йилларда қайта ишлаб нашр қилдирдилар. Ушбу китобга ҳозирги замон илмий текшириш услубларидан бири бўлган жараёнларни моделлаштириш машиналари, муаллиф томонидан яратилган янги универсал “эпигипоциклограф” асбоби, электрон модели механизмлар кинематикаси ва динамикасини ўрганишга татбиқ қилиш масалаларини киритилиши, ўқувчи талабаларни илмий тадқиқот соҳасида ишлатиладиган электрон ҳисоблаш машиналардан фойдаланишига кенг имкониятлар очиб беради.

Сермахсул олим 3 та монография, 88 та ихтиро муаллифи ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган, фанимиз ривож учун ва механик-муҳандислар тайёрлаётган олий ўқув юртларида хизмат қилиш учун 40 дан ортиқ фан докторлари ва номзодларини тайёрлаб берганлар.

Ҳалим Ҳайдаровичнинг илмий ишлари асосан, машина агрегати динамикаси, пахта териш ва тозалаш машиналари, тўқимачилик машиналари назарияларини ўрганишга бағишланган. У кишининг раҳбарлигида пахта териш машиналарининг иш унумини ошириш ва пахтани тўкилишини камайтириш имконини берган таркибий шпиндель яратилиб ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Шунингдек, вертикал шпинделли пахта териш машинаси унумдорлигини олдиндан аниқлаш формуласини ишлаб чиқдилар. Таркибий шпинделли ишлаб чиқаришга жорий қилган “Ташсельмаш” заводи ўз вақтида йилига 10 000 дона вертикал шпинделли пахта териш машиналарини ишлаб чиқарар эди. Ҳозирда ҳам ушбу шпинделлар ўз долзарблигини йўқотмаган ва домланинг шогирдлари томонидан такомиллаштирилиб “Тошкент кишлок хўжалик машиналар заводи” АЖ да янги машиналарга жорий қилинмоқда.

Ҳалим Ҳайдарович газлама тўқиш автомат станогини моқисини найчаларини алмаштиришдаги энергияни аниқлаш асбоби учун патент муаллифи, уни ишлаб чиқаришга жорий қилишда фаол иштирок этган эдилар.

Мен ўзимни академик Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев ва уларнинг устозлари академик Муҳаммадҷон Тошевчи Ўразбоевни шогирдлариман деб ҳисоблайман. М.Т. Ўразбоев ТошПИнинг ректори, 1968 – йилда менинг номзодлик диссертациямни ҳимоясида биринчи оппонент сифатида иштирок этганлар. 1985 йилда Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев менинг техника фанлари бўйича докторлик диссертациямни ҳимоясида оппонент бўлганлар. Ҳаётимда, илмий ишларимда устозларимга ўхшашга ҳаракат қиламан.

Профессор Ҳалим Ҳайдаровични Тошкент Политехника институти “Тракторсизлик ва кишлок хўжалик машиналари” факультетига таклиф қилганимизда келиб, кафедра ўқитувчилари, аспирантлари ва талабалари билан учрашиб вертикал шпинделли пахта териш машиналари устида олиб борилаётган илмий – тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳақида, амалиётга, ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган илмий ишланмалар, “Машина ва механизмлар назарияси” ва “Пахта териш машиналари назарияси ва ҳисоби” фанлари бўйича сўнгги янгиликлар тўғрисида маърузалар ўқир эдилар. Айниқса ҳозир вертикаль шпинделли пахта териш машиналарида қўлланаётган таркибий шпиндель тўғрисидаги саволлар ушбу маърузаларда кўп берилар эди. Ҳалим Ҳайдаровични ўзлари ҳам машғулотлардан хурсанд бўлиб чиқар, маърузада фаол қатнашган талабаларга ўз китобларини совға қилиб ўзларига шогирдликка таклиф қилар эдилар.

Академик Ҳ.Ҳ. Усмонхўжаев хотираси доимо ёдимизда қолади.

ЎзҚХФА академиги А.С. Садриддинов

УСТОЗЛАР УСТОЗИ

Мен, академик Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаевни 1958 йилдан танирдим. Шу йили мен Тошкент тўқимачилик институтига энгил саноат йуналиши бўйича ўқишга кирган эдим. Устоз Ҳ.Ҳ. Усмонхўжаев факультетимиз декани эди. У киши ёшларга жуда ғамхўр инсон эди. Яхши эсимда 1960 йили Ҳалим Ҳайдарович Ўзбекистон Фанлар Академияси Механика институтига ишга чақирилади ва у киши “Машина ва механизмлар назарияси” лабораториясини бошқара бошлайди. Мен бир йил давомида устоздан кўп нарсани ўргандим.

1963 йилда институтни ҳам тугатдим ва йўлланма билан ишлаб чиқаришда ишлаб юрдим. Кўп ўтмай, Ҳалим Ҳайдарович менга катта ишонч билдириб ва умид билан қараб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Механика институти “Машина ва механизмлар назарияси” лабораториясига стажёр-тадқиқотчи вазифасига таклиф қилди. Хурсанд бўлдим. Стажёрликни тугатиб аспирантурага кирдим. Ҳалим Ҳайдаровичнинг ўзлари менга раҳбар бўлдилар.

Аспирантурага киргач илмий ишим мавзуси “Пахта тозалаш саноатида валикли джинлар ишини такомиллаштириш”га бағишланди. Бу менинг мутахассислигимдан анча узоқ эди. Кейин билсам, валикли джинлар паст ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, ишлаш жараёнида чигитнинг эзилиши, толанинг узилиши каби хислатлари билан кўплаб маҳсулотларнинг яроқсиз бўлишига олиб келаётган экан. Шу боисдан ҳам, Республика “Пахта тозалаш саноати” вазири Фанлар Академиясига махсус хат билан мурожаат қилиб, ингичка толали пахта хомашёсини технологик қайта ишлаш жараёнини такомиллаштириш ва юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалий ёрдам кўрсатишни сўраган экан.

Устоз Ҳалим Ҳайдарович шу хатга асосан менга валикли джин ишини ўрганиш, унинг иш жараёнида чигитни эзилиши, толани узилиши сабабларини аниқлаш каби топшириқларини берган экан. Шунда мен устозга, Ҳалим Ҳайдарович мен “Тикув буюмлари технологияси” мутахассислигини тугатганман. Сиз берган вазифа менинг соҳамдан узоқ деб эътироз билдирдим. Устоз эса ҳеч иккиланмай Хайридинжон – “мен ҳам тикувчилик мутахассислигини тугатганман, пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳаси билан унча яхши таниш эмасман. Бунинг устига бизга махсус илтимос хати келди, биз унга жавоб беришимиз керак, бу бизнинг обрўйимиз бўлади” дедилар.

Устоз шундай деб, менинг қўлимга ўша хатни бердилар ва 2 ой ичида Тошент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институти кутубхоналарида, А. Навоий номидаги республика миллий кутубхонаси ўқув залидаги соҳага оид номзодлик ва докторлик диссертацияларини ўрганиш каби вазифаларни қўйди. Мен бу ишни бажариб, материалларни тўплаб, ўрганиб чиққанамдан сўнг устоз барча тўпланган материалларни биргаликда таҳлил қилиш ва бир хулосага келиш учун олиб боришимни сўрадилар.

Шундай қилиб, академик устоз Ҳалим Ҳайдаровичнинг ҳар қандай ишга ўта масъулият билан ёндашуви, ўзига ва шогирдларига бўлган талабчанлиги билан республика пахта тозалаш саноатининг ингичка толали пахтани дастлабки технологик қайта ишлаш жараёнида мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилишида хизматлари бекиёсдир.

Шунингдек, кейинчалик ҳам устоз Ҳалим Ҳайдаровичнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш саноати раҳбарияти сўровномалари ва хўжалик шартномалари асосида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилди, уларнинг натижалари буюртмачилар томонидан ижобий қабул қилинди. Валикли джинларнинг ишлаш жараёнини ўрганиш натижасида яратилган янги варианты учун патент ва СССР ихтирочиси деган муаллифлик гувоҳномасини ҳам олдик.

Ҳа, Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев ҳақиқий олим, устоз эди. Мен устоздан нафақат илм сирларини, балки ўзим учун энг муҳим бўлган ва ҳаётимда амал қилиб яшаган инсонийлик фазилатларини ўргандим. Устоздан бир умрга миннатдорман ва қарздорман. Охиратлари обод бўлишини Оллоҳдан сўрайман.

Устоз республикаимизда, Марказий Осиёда, қолаверса собиқ иттифокда пахтачилик ва пахта тозалаш саноати ривожланишига муносиб ҳисса қўшган йирик олимлардан бўлиб, ўнлаб фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлаб чиқардилар. Мен ҳам шундай буюк олим, бағри кенг инсоннинг шогирди бўлганлигимдан фахрланаман.

Устоз Ҳалим Ҳайдаровичнинг хотираси олимлар ва шогирдлари қалбида абадий яшайди. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида устознинг илмий ишларини тарғиб қилувчи бурчак ташкил этилган. Талабалар учун у кишининг номидаги стипендия ҳам таъсис этилган. Шунингдек, устознинг “Машина ва механизмлар назарияси” бўйича дарслиги ўзбек тилида бир неча бор нашрдан чиққан.

Шунингдек, устоз ҳақидаги кўплаб материаллар ТТЕСИ ва ПТСМИТИ кутубхона ва музейларида ҳам сақланмоқда. Устознинг кўплаб илмий ахборот ва мақолалари конференция, ҳамда симпозиумларда эълон қилинган ва эътироф этилган. Устоз ўзининг кўп йиллик ва самарали меҳнати учун ҳукуматнинг бир қатор орден, медаллари ва фахрий ёрликларига сазовор бўлган.

Ҳа, устоз Ҳалим Ҳайдарович ўз халқининг, ватанининг фидойи, содиқ фарзанди эди. Устознинг номи ва ишини улуғлаётганларни Оллоҳ улуғласин ва ўз баҳосини берсин.

*Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти
доценти, т.ф.н. Ҳ.Ҳ. Самархўжаев*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕХАНИК ОЛИМЛАРИ

КОШЕВНИКОВ ГЕОРГИЙ АНТОНОВИЧ (1904 – 1975)

Муҳандис-конструктор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ФА академиги, Ўзбекистон ФА муҳбир-аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, техника фанлари доктори, профессор.

У 1904 йил 13 апрелда Белоруссиянинг Слоним шаҳрида таваллуд топган. 1930 йилда Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институтини битирган. 1930-1939 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги (“Ташсельмаш”) заводида бош технолог, бош конструктор ва бош муҳандис лавозимларида ишлаган. 1931 йилдан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Механизмлар назарияси ва машина деталлари” кафедрасининг мудири, 1957-1961 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ФА қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бўлимининг академик-котиби, 1961 йилда шу академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган. 1965 йилда собиқ иттифок Машинасозлик вазирлиги тасарруфидаги илмий-техникавий жамият аъзолигига сайланган.

Илмий ишлари қишлоқ хўжалиги машинасозлигини механизациялаш муаммоларига бағишланган. Олим қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини механизациялаш илмий мактабини яратган.

1955 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилган. Шу йили олимга “Профессор” илмий унвони берилган. У 1968 йили ЎзР ФА муҳбир-аъзоси этиб сайланган.

Олим 100 дан ортиқ илмий асарлар ёзган, ихтиролари учун бир қанча муаллифлик гувоҳномаларига эга, кўплаб илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган.

Олимнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У уч марта “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланган. 1954 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор”, 1964 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби” фахрий унвонлари берилган.

У 1975 йил 16 июлда Тошкентда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. “Тошсельмаш” нинг ўн тўрт панжали культиватори. Тошкент, 1935. – 22 б.
2. «Ташсельмашзавод» им. К.Ворошилова. Руководство по сборке и эксплуатации приспособления для высева удобрения к тракторному плугу «ТП-3». Ташкент, 1936.
3. Механизация трудоемких работ на стройках коммунизма. Ташкент: Госиздат УзССР, 1953. – 43 с.
4. Вопросы механизации сельского хозяйства. Ташкент: ТИИИМСХ, 1957. – 360 с.
5. Машины для уборки и очистки хлопка. Ташкент: Госиздат УзССР, 1958. – 272 с.
6. Передачи. Программированное учебное пособие по выполнению домашнего задания по деталям машин. Ташкент: ТИИИМСХ, 1974. – 28 с.

У ҳақидаги адабиётлар:

1. ЎзМЭ. 2003. Т. 5. – 75 б.

ХОЖИНОВА МАҚСУДА АЪЗАМОВНА (1912 – 1981)



Механика соҳасидаги олима, Ўзбекистон ФА академиги, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби.

У 1912 йил 8 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1929 йилда Тошкент иқтисод-саноат техникумини, 1936 йилда Г.В.Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги институтини тугатган. 1936 – 1937 йилларда Ўзбекистон савдо вазирлигида ишлаган. 1944 – 1952 йилларда Тошкент тўқимачилик институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1957 – 1973 йилларда шу институт ректори, аynи вақтда “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедраси мудири (1957 йилдан умрининг охиригача) лавозимларида ишлаган.

У 1946 йилда “Тола, ип-газламаларнинг мустаҳкамлигини аниқлашдаги рационал методларни излаш” мавзусида техника фанлари номзоди, 1958 йилда “Пахта толасининг хоссаларига ва ундан йиғирилган ип сифатига механикавий шикастланишнинг таъсири” мавзусида техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларни химоя қилган.

У 1959 йилда “Профессор” илмий унвонига сазовор бўлган, 1960 йил ЎзР ФА муҳбир-аъзоси, 1966 йилда академиклигига сайланган. Олима ўзбек аёлларидан етишиб чиққан биринчи техника фанлари доктори, қалдирғоч академиклардан бири эди.

Илмий ишлари пахта, каноп (зиғир) толаларининг механик хоссаларини ўрганишга оид. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. У калта каноп толасидан тўқимачилик ипи олиш технологиясини ишлаб чиқди ва саноатга татбиқ этди. Олима газлама пухталигини синашнинг самарали усулини яратди. У пахта толаларининг шикастланишини микроскопик усулда аниқлаш ва уни баҳолаш, тутун газларда пахта толасини қуриштиришнинг структураси, пухталиги ва эластиклик хусусиятига таъсирини, қуёш нурунини каноп толасига таъсирини ўрганиш, ипларни ишлаб чиқариш жараёнида пахта толасининг биологик шикастланишини текшириш, пиллакашлик жараёнида кимёвий толалардан аралаш ип олишга оид илмий ишлар муаллифи.

У Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори лавозимида ишлаган даврда (1957-1973 йиллар), институтнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, янги мутахассисликлар ва кафедралар ташкил этишга, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг сифатини оширишга алоҳида аҳмият бериб, ташкилотчилик қобилиятини намоён қилган. 1957 йилда “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасини ташкил этиб, умрининг охиригача кафедрага мудирлик қилган. 1961–1981 йилларда пахта ва бошқа толаларнинг тузилиши, хусусиятлари, механик шикастланишлари ва уларнинг сабабларига оид Фанлар академияси билан бирлашган илмий-текшириш лабораториясининг раҳбари бўлган.

Олима 200 дан ортиқ илмий асарлар ёзган, бир қанча муаллифлик гувоҳномасига эга, кўплаб монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган. Тўқимачилик соҳаси учун 6 та фан докторлари ва 15 дан зиёд фан номзодларини етиштириб берган.

Олиманинг серқирра илмий-педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унга 1964 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби” фахрий унвони берилган. Собик иттифокнинг кўплаб орден ва медаллари, жумладан, 1961 йилда “Ленин ордени”, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг “Фахрий ёрлиғи” билан мукофотланган.

У 1981 йил 18 ноябрда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Влияние повреждения хлопковых волокон на качество текстильного сырья. Ташкент: Фан, 1963. – 144 с.
2. О машинном сборе и урожайности хлопка по СССР за 1955–1965 гг. Ташкент: УзИНТИ Госплана Узбекистана, 1966. – 36 с.
3. Научные достижения текстильной промышленности // Известия АН РУз. Серия техн. наук. 1967. № 5. С. 30 – 31.
4. Параметрическая модель подбора сырья для производства холостопрощивных нетканых полотен // Известия АН РУз. Серия техн. наук. 1972. № 3. С. 83 – 85.
5. Определение степени набухания и высыхания нитей ткани: методы фотометрии // Доклады АН РУз. 1978. № 3. С. 21 – 22.
6. Методические указания к лабораторному практикуму по курсу “Текстильное материаловедение”. Ч. 1. Ташкент: ТТЕСИ, 1983. – 73 с.

У ҳақдаги адабиётлар:

Юханов О. Путь в науку. Ташкент: “Правда Востока” и “Қизил Ўзбекистон”, 1947. – 26 с.; Ўз МЭ. Т. 11. 2005. – 370 б.; Барҳаёт сиймо. М.А. Ҳожинованинг 100 йиллигига бағишланган хотиралар / Муаллиф ва муҳаррир: доц. А.А.Абдуғаффоров. Тошкент: ТТЕСИ, 2012. – 142 б.; Давыдова Э. Исследователь и педагог // Правда Востока. 1950. 8 марта; Будников В.И. Первая женщина – узбечка, доктор технических наук // Газета «Текстильщик». 1958. 10 мая; Интилганга толе ёр. “Ўзбекистон хотин-қизлари”. 1963. № 5. 8 – 10 б.; Академик М.А.Ҳожинованинг 105 йиллик таваллудига бағишланган “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари. Тўқимачи, 2017” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент: ТТЕСИ, 2017. – 424 б.

БУЗИН ЕВГЕНИЙ ИВАНОВИЧ (1916 – 1969)

Механика соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА муҳбир-аъзоси, техника фанлари доктори, профессор.

У 1916 йил 24 февралда Россиянинг Оренбург вилоятида таваллуд топган. 1939 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг математика-механика факультетини тамомлаган. 1939-1940 йилларда Ўрта Осиё индустриал институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1941-1943 йилларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда ярадор бўлиб қайтган. 1948-1950 йилларда Ўзбекистон ФА Президиуми техника ва геология-кимё фанлари бўлимида илмий котиб, 1950-1955 йилларда Ўзбекистон ФА Математика ва механика институтида катта илмий ходим, 1955-1959 йилларда Фрунзе политехника институтида кафедра мудир, 1959-1969 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти “Амалий механика” кафедраси мудир, Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1957 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилган. 1959 йилда унга “Профессор” илмий унвони берилган. У 1962 йилда ЎзР ФА мухбир-аъзолигига сайланган.

Илмий ишлари деформацияланувчан қаттиқ жисмлар, суюқлик ва газ механикаси назарияларига бағишланган. Олим 50 дан зиёд илмий асарлар ёзган. У 1969 йил 26 апрелда Тошкентда вафот этган.

У ҳақидаги адабиётлар:

1. Ўз МЭ. 2001. Т. 2. – 236 б.

САЛИМОВ ОҚИЛ УМРЗОҚОВИЧ (1928 г. ТОШКЕНТ)

Техника соҳасидаги олим, давлат ва жамоат арбоби, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ФА академиги.

У 1928 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. Ўрта Осиё индустриал институтини тугатган (1950), Москва автомобиль заводида (ЗИЛ) муҳандис-технолог, Москва автомобиль йўллари институти аспиранти (1950 – 1953), ТошТУ да ассистент, доцент, кафедра мудири, декан, проректор (1953 – 1965), ректор (1992 – 1994). Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлим мудири ўринбосари, мудири (1966 – 1970), МК котиби (1971 – 1984), Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1984 – 1987), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ректор (1987 – 1992), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1994 – 1998) лавозимларида ишлаган. 1998 йилдан ҳозиргача Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими президенти, Республика истеъдодли ёшлар “Улуғбек” жамғармаси раиси бўлиб ишлаб келмоқда.



Олимнинг асосий илмий ишлари автомобилсозлик соҳасига бағишланган. Автомобил двигатели қувватини ошириш, юқори фойдаланиш коэффициентига эга бўлган генераторларни ишлаб чиқаришда, машина деталларининг кўп йилга чидамлилигини оширишда унинг илмий тадқиқотлари ҳиссаси каттадир. У 1953 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Иссиқ муҳит шароитида ишлайдиган автотрактор двигателининг совутиш тизимини тадқиқ этиш” мавзусида, 1978 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Ёқилғи билан ишлайдиган двигателда суюқ ёқилғи ёнишининг интенсификация жараёнлари ва суюқлик пуркашнинг электростатик назарияси масалалари” мавзусида диссертация ёқлаган.

Унга 1978 йилда “Профессор” илмий унвони берилган, 1990 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги қилиб сайланган. У Нью-Йорк фанлар академиясининг, Олий мактаб Халқаро фанлар академиясининг, Халқаро транспорт академиясининг аъзосидир.

У юқори партия ва давлат лавозимларида ишлар экан, Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантиришга, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, малакали кадрлар етиштиришга муайян ҳисса қўшди.

Олим давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, 4 та монография, 80 дан ортиқ рисола ва илмий мақолалар ёзган, 13 та кашфиёт қилган, кўплаб монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррир бўлган. Унинг илмий раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан доктори ва 20 дан ортиқ фан номзоди тайёрланган.

Олимнинг илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унга 1978 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилган. 1996 йилда «Дўстлик», 1999 йилда «Эл-юрт хурмати» орденлари, 2003 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги» медали ва бошқа орденлар билан мукофотланган.

Асосий асарлари:

1. Некоторые вопросы теории электростатического распыливания жидкостей. Ташкент: Фан, 1966. – 5 п.л. (в соавторстве).
2. Анализ использования металлорежущего оборудования на машиностроительных предприятиях. Ташкент: УзНИИТИ, 1991. – 10 п.л. (в соавторстве).
3. Качество топлива и надёжность автотракторных двигателей. Ташкент: Фан, 1991. – 8 п.л. (в соавторстве).
4. Вопросы теории электрического распыливания и интенсификации процессов сгорания жидких топлив. Ташкент: Фан, 1968. – 5 п.л. (в соавторстве).
5. Автомобил ва трактор двигателлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 32,5 б.т.
6. Актуальные вопросы ресурсосберегающей и природоохранной деятельности на автотранспорте. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 18 п.л. (в соавторстве).

7. Русча-ўзбекча политехника атамалари луғати. Тошкент: Фан, 1995. – 18,9 б.т.
У ҳақидаги адабиётлар:
 1. Ўз МЭ. 2004. Т. 7. 447 б.
 2. Чингиз Айтматов. Садокатли дўст // Ҳаёт фалсафаси – яхшилик. Тошкент: ТАЙИ, 2003. 22–23 б.
 3. Шавкат Мирзиёев. Ўтиқоди бутун, мақсади эзгу // Ҳаёт фалсафаси – яхшилик. Тошкент: ТАЙИ, 2003. 26 – 29 б.
 4. Ҳаёт фалсафаси – яхшилик /О.У. Салимов ҳақида хотиралар. Тошкент: ТАЙИ, 2003. – 180 б.

МАҲКАМОВ РУФАТ ҒУЛОМОВИЧ (1930 – 2018)



Машинасозлик технологияси бўйича таникли олим, техника фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА академиги.

У 1930 йил 16 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1948 йилда Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) механика факультетига ўқишга қабул қилинган, 1950 йилда Москва Бауман номидаги Олий техника ўқув юртиниг 3-курсига кўчирилган, мазкур ўқув юртини 1954-йилда машинасозлик технологияси, металлқесувчи станоклар ва асбоблар мутахассислиги бўйича битирган. 1957-йилда Москва Бауман номидаги Олий техника ўқув юртиниг аспирантурасига кирган ва 1961-йилда “Қаттиқ қотишмаларни жилвирлашда дарзлар пайдо бўлишини экспериментал тадқиқ этиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1961-62-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумида янги ташкил этилган техника фанлари бўлимида фаолият кўрсатган. 1962-йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ишга ўтган. 1965-йилда “Доцент” илмий унвонига эга бўлган. 1969-йилда ТТЕСИда “Тўқимачилик машинасозлик технологиси” кафедрасини ташкил этган ва уни кўп йиллар бошқарган. 1976-йилда “Тола сифатини ошириш мақсадида пахта тозалаш машиналари ишчи органлари юзаларини тадқиқ этиш ва улар параметрларини оптималлаштириш” мавзусида диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган. 1978-йилда “Профессор” илмий унвони берилган. 1984-йилда ЎЗР ФА муҳбир-аъзоси, 2000 йилда ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган. 1990 йилда ЎЗР ФА Президиуми механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлимининг аъзоси, 1995 йилдан ушбу бўлимнинг раис ўринбосари қилиб сайланган.

Илмий ишлари машинасозлик технологияси соҳасига бағишланган бўлиб, пахта саноати машиналари ишчи органлари юзалари параметрлари тола сифатига таъсирини ўрганиш ва уларни оптималлаштириш йўллари ва усулларини излашдан иборат. У пахта етиштирувчи мамлакатлар тажрибаларини Ўзбекистон билан киёсий ўрганиб, тола сифатини оширишнинг оптимал йўллари ва усулларини ишлаб чиққан.

Сермахсул олим педагогик фаолият билан бир қаторда 6 та монография, 1 та дарслик, 230 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган, 25 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномасига эга, кўплаб монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган. Фанимиз равнақи учун 2 та фан доктори, 23 та фан номзоди тайёрлаб етиштирган. Олим Лаббок (АҚШ), Тайпей (Тайвань), Вильнюс университетларида маърузалар ўқиган. У илмий даража берувчи бир неча илмий Кенгашларнинг аъзоси, Ўзбекистон ОАК нинг техника фанлари бўйича Эксперт Кенгаши аъзоси бўлган.

Олимнинг илмий-педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. 1978 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилган. 1982 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланган.

У 2018 йил 26-июлда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Основы процесса взаимодействия поверхностей твердых тел с волокнистой массой. Ташкент: Фан, 1979. – 6 п.л.
2. Повышение технологической надежности хлопкоочистительных машин, работающих в ударном режиме. Ташкент: Фан, 1989. – 1 п.л.
3. Триботехника асослари / Ўқув қўлланма. Тошкент.: ТТЕСИ, 2007. – 117 б. (ҳаммуаллифликда).
4. Развитие науки о резании металлов. М.: ВНИИ «Алмаз», 1967. – 1 п.л.

У ҳақида адабиётлар:


1. Моя жизнь в назидание потомкам. Ташкент: ТТЕСИ. – 112 с.

Маҳкамов Руфат Ғуломовичнинг 70 йиллигига бағишланган хотиралар тўплами. / Тузувчи ва муҳаррир: т.ф.н. А.А. Абдуғафуров. Тошкент: ТТЕСИ, 2000. – 22 б.

ШИРИНҚУЛОВ ТОШПЎЛАТ ШИРИНҚУЛОВИЧ (1937 – 2009)

Таниқли механик олим, ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори, профессор.

У 1937 йил 3 февралда Самарқанд вилояти, Қўшработ туманининг Тегирмоновул қишлоғида таваллуд топган. 1955 – 1960 йилларда Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ) механика-математика факультетида таҳсил олган. 1960 – 1973 йилларда ЎзР ФА Механика институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, 1973 – 1975 йилларда Тошкент политехника институтида “Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиғи” кафедраси мудири, 1975 – 1986 йилларда Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти ректори, 1986 йилдан умрининг охиригача шу институтнинг “Материаллар қаршилиғи” кафедраси мудири, ЎзР ФА Самарқанд бўлими раҳбари лавозимларида ишлаган.



У 1965 йилда “Ўйилувчанлик назариясининг контакт масалаларидаги баъзи муаммоларнинг тадқиқоти” мавзусида физика-математика фанлари номзоди, 1970 йилда “Мухандислик конструкциялари ўйилувчанлик назариясининг контакт масалалари” мавзусида физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. 1974 йилда “Профессор” илмий унвонини олган, 1989 йил ЎзР ФА мухбир-аъзолигига, 1990 йил Халқаро Мухандислар академиясининг мухбир-аъзолигига, 1994 йил ЎзР ФА академиклигига сайланган.

Олимнинг илмий ишлари ўйилувчанлик назариясининг квазистатик ва динамик текис ва фазовий контакт масалалари, чизикли деформацияланувчи асослар учун туташув масалалари, биржинслимас асосда ўтувчи мухандислик конструкцияларини ҳисоблаш назарияси, биржинслимас наслий-эскирувчи грунтлар консолидацияси назариясига бағишланган. Унинг қўп йиллик тадқиқотлари 5 та монография, 200 дан ортиқ илмий мақолаларда ўз аксини топган. Фанимиз равнақи учун 5 та фан доктори, 33 тадан ортиқ фан номзоди тайёрлаб берган, қўплаб илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган. Олимнинг бевосита ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида 10 га яқин Халқаро анжуманлар ўтказилган. У Япония (1997, 2001), Ҳиндистон (1977, 1987), Эрон (2001), Швеция (1982) каби мамлакатларда ўтказилган халқаро конференция ва симпозиумларда маъруза қилиб, Ўзбекистон илмини жаҳонга танитди. Сам ДАҚИ да ректорлик даврида қўплаб иқтидорли ёшларни тарбиялаб, марказий шаҳарларга жўнатиб, институт илмий салоҳиятини 92 % га кўтарган. Ҳозир институтда иқтидорли талабалар учун олим номидаги махсус стипендия таъсис этилган.

Олимнинг илмий-педагогик ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У 1980 йил “Ҳурмат белгиси” ордени, 1970 йил “Шавкатли меҳнати учун”, 1995 йил “Шуҳрат” медаллари, 1992, 2001, 2006 йилларда “Мустақиллик” кўкрак нишони билан тақдирланган. 1990 – 1995 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати бўлган. У 2009 йил вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Методы расчета конструкций на сплошном основании с учетом ползучести. Ташкент: Фан, 1969. – 264 с.
2. Расчет инженерных конструкций на неоднородном основании. Ташкент: Фан, 1972. – 244 с.
3. Ползучесть и консолидации грунтов. Ташкент: Фан, 1986. – 392 с. (в соавторстве).

У ҳақидаги адабиётлар:

1. Ширинкулов Т.Ш. Биобиблиография. Тошкент: Фан, 1997. – 45 б.
2. Ўз МЭ. 2005. 10-том. – 77–78 бетлар.
3. Материалы международной конференции, посвященной 70-летию академика АН РУз Т.Ш. Ширинкулова на тему: «Современные проблемы механики». 28 – 29 июня 2007 г. Самарканд: СамГАСИ. 2007. Книга I – V.
4. Материалы международной научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы развития строительной механики на основе компьютерных технологий и моделирования», посвященной 80-летию академика АН РУз Т.Ш. Ширинкулова. 16 – 17 июня 2017 г. Самарканд: СамГАСИ, 2017.

МУБОРАКОВ ЁРМУҲАММАД НУРУПОВИЧ (1944 – 1999)



Деформацияланувчан каттик жисмлар механикаси соҳасидаги таникли олим, техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти ва Республика ёшлар иттифоқи мукофоти совриндори.

У 1944 йил 22 апрелда Қозоғистон Республикаси, Олмаота вилояти, Уйғур тумани, Кетмон қишлоғида таваллуд топган. Қишлоқдаги ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаб, 1961 йили Тошкент давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирган ва 1970 йили мазкур университетни имтиёзли диплом билан тугатган. Ўқиш давомида уч ярим йил чегара қўшинлари сафида ҳарбий хизматни ўтаб келган. 1970 -1997 йилларда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида кичик илмий ходим, аспирант, катта илмий ходим, лаборатория мудир, илмий ишлар бўйича директор муовини, партия ташкилоти раҳбари, директор, 1997 – 1999 йилларда ЎзР ФА Президиумининг аъзоси, Механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлими раиси, Физика-математика ва техника фанлари комплекси раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. Серқирра ижод соҳиби ишдан бўш вақтларида Ўзбекистон телевиденияси ва радио қўмитасининг “чет элларга эшиттириш олиб бориш” бўлими, уйғур редакциясида суҳандон бўлиб ишлаган.

У 1975 йилда “Ер ости метрополитени элементларининг сейсמודинамика масалалари” мавзусида номзодлик, 1989 йилда Рига шаҳрида “Қобик қўринишидаги ер ости иншоотлари сейсמודинамикаси” мавзусида докторлик диссертацияларини академик Т.Р.Рашидов раҳбарлигида ҳимоя қилиб, техника фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган.

Асосий илмий ишлари ер ости фазовий иншоотларини сейсмик кучлар таъсирида деформацияланиш-зўриқиш ҳолатларини тадқиқ қилишнинг назарий асосла-ини яратишга оид. Олим академик М.Т.Ўрозбоев асос солган бино ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий йўналиши ривожига катта ҳисса қўшди. У устози, академик Т.Р.Рашидов яратган “Мураккаб тармоқли ер ости иншоотларининг сейсמודинамик назарияси”ни ривожлантириб, қобиксимон ер ости иншоотларига тадқиқ қилди ҳамда фазовий конструкцияли ер ости иншоотлари сейсמודинамик назарияси асосида “Қобиксимон ер ости иншоотларининг сейсמודинамик назарияси”га асос солди. У ушбу соҳада дунёда эътироф этилган бир қанча назарий ва тажрибавий натижаларни олишга эришди. Шу боис ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлиги йўналишида тўлқин назарияси ривожлана бошлади. Унинг илмий ишлари натижалари Тошкент метрополитени, София метрополитени, Байкал-Амур транспорт туннелларини қуришда, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган махсус иншоотларни қуришда қўлланилган ва ҳозир ҳам қўлланилмоқда.

Олим 1973 йилда “Катта илмий ходим”, 1991 йилда “Профессор” илмий унвонига эга бўлган. 1995 йили эса, ЎзР ФА академиклигига сайланган. У Ўзбекистонда уйғур халқининг ичидан етишиб чиққан биринчи академикдир. Олим Чехословакия (1985), Югославия (1987), Хитой (1991), Австрия (1994), Мексика (1996) каби давлатларда нуфузли халқаро конференция ва симпозиумларда маъруза қилиб, Ўзбекистон илмини дунё ҳамжамиятига танитишда салмоқли ҳисса қўшди. У Россия назарий ва амалий механика миллий қўмитаси аъзоси, Нью-Йорк фанлар академиясининг фахрий академиги қилиб сайланган.

Унинг илмий ишлари 2 та монография, 80 дан ортиқ илмий мақолалар, 20 га яқин ихтиро ҳамда матбуотда чоп этилмаган 16 томлик ёпиқ илмий ҳисоботларда ўз ифодасини топган. Унинг бевосита амалий ёрдами билан 3 та фан доктори, унинг раҳбарлигида 8 та фан номзоди диссертация ҳимоя қилган, бир қанча илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган. У фавқулудда ходисалар бўйича МДХ ва Ўзбекистон Республикаси Кенгашининг аъзоси қилиб сайланган эди.

Олимнинг илмий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У 1975 йилда Тошкент метрополитени сейсמודинамикаси соҳасидаги ишлари учун Республика ёшлар иттифоқи мукофоти, 1983 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндори бўлган.

У 1999 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Сейсמודинамика подземных сооружений типа оболочек. Ташкент: Фан, 1987. –192 с.
2. Сейсмические воздействия на здания и заглубленные сооружения. Ташкент: Фан, 1986. – 296 с.

(в соавторстве).

У ҳақидаги адабиётлар:

1. ЎЗМЭ. 2003. Т. 6. – 108 б.
2. Академик Ё.Н. Муборак. Хотиралар. Тошкент: МИСМИ, 2004. – 72 б.

«Ўзбекистоннинг механик олимлари» материалларини
доцент Муҳаммад Раҳим тайёрлади

КАЗАХСТАНСКОМУ ДОРОЖНОМУ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМУ ИНСТИТУТУ – 60 ЛЕТ

2-4 октября 2019 года в городе Алматы состоялся Международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы дорожного строительства», посвящённая 60-летию Казахстанского дорожного научно-исследовательского института (КаздорНИИ).

КаздорНИИ, созданный в 1959 году как филиал Всесоюзного дорожного научно-исследовательского института (СоюздорНИИ), в 1992 году был преобразован в АО «КаздорНИИ».

В настоящее время АО «КаздорНИИ» является институтом дорожного профиля, полностью оснащённый оборудованием, необходимым для проведения научно-исследовательских работ, диагностики автомобильных дорог и мостовых сооружений, оценки качества дорожно-строительных материалов, транспортно-эксплуатационных показателей дорог, для выполнения которой располагает полным комплектом оборудования, установкой динамического нагружения (FWO) для определения модуля упругости дорожных конструкций, установкой по замеру силы сцепления колеса с дорожным покрытием и двумя передвижными дорожными лабораториями:

-«Dynatest», который позволяет в режиме реального времени передавать результаты исследований в банк данных эксплуатационного состояния автомобильных дорог;

-НПО «Регион», оснащённая комплексом оборудования для регистрации, оцифровки и записи цифрового видео.

Для углублённого исследования свойств дорожно-строительных материалов в АО «КаздорНИИ» имеются:

- испытательное оборудование «Суперпейв» (США);
- современный хроматограф «Градиент М» для определения группового состава битумов;
- установки для испытания устойчивости асфальтобетона к колебанию и на усталость (Великобритания);
- установка для исследования реологических свойств асфальтобетона (Германия);
- установка для рентгенографического анализа химического состава цементов (Германия);
- экспрессные приборы для оценки прочности цементобетона, плотности асфальтобетона и грунтов;
- приборы для испытания литых эмульсионно-минеральных смесей.

В работе Международной конференции приняли участие руководители, учёные и специалисты ведущих Вузов, НИИ и дорожно-строительных Компаний из 17-ти стран мира: Россия, Италия, Великобритания, Республика Беларусь, Украина, Казахстан, Узбекистан, Кыргызстан, Таджикистан и другие. В работе конференции приняли участие Каримов Б.Б - д.т.н., проф., руководитель Секретариата Межправительственного совета дорожников (Москва, Россия), Досенко В.А – президент Международной академии транспорта (Москва, Россия), президент Национальной академии наук Республики Казахстан, академик М. Журинов, заслуженный деятель Казахстана, профессор Муртазин Б.С., руководители и представители ведущих дорожно-строительных организаций Республики Казахстан.

На конференцию было представлено более 100 докладов, посвящённых общим вопросам дорожного хозяйства, проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог и искусственных сооружений, дорожным материалам и грунтам, смежным направлениям исследований.

Из Узбекистана в работе Международной конференции приняли участие д.т.н., проф. Абдужабаров А.Х. (ТашИИТ), д.т.н., проф. Ишанходжаев А.А. (ТИПСЭАД), директор Исмаилов О. и главный инженер Абдуллаев М. (АДНИИ Министерства транспорта Республики Узбекистан. На конференцию из Узбекистана было представлено и опубликовано в журнале « ВЕСТНИК КаздорНИИ» 13 докладов-статей (академик Рашидов Т.Р., доктора технических наук, профессора Хожметов Г.Х., Каюмов А.Д., Абдужабаров А.Х., Саллямова К.Д., Миралимов М.Х., Ишанходжаев А.А., кандидаты технических наук и доктора философии по техническим наукам Шермухамедов У.З., Байбулатов Х.А., Салимова Б.Д., Тулаганов А.Х., Худайкулов Р.М., Комилов С.И., Ан Е.В., специалисты-дорожники Махмудова Д.А., Икрамова Ф.Х., Зафаров О.З., Абдуллаев А.Р., Бегматов П.А., Мамадалиев А.Ю., Абдукадырова С.Н., Муслимова П.Ш. – всего 22 человека).

Академик Рашидов Т.Р., ректор ТИПСЭАД Рискулов А.А., директор АДНИИ Исмаилов О., главный инженер АДНИИ Абдуллаев М., профессора Абдужабаров А.Х., Каюмов А.Д. и Ишанходжаев А.А. награждены памятной медалью « 60-лет КаздорНИИ».

д.т.н., проф., Ишанходжаев А.А

МУНДАРИЖА

Ф.Э. Абдукадиров, А. Абдусаттаров, Т. Юлдашев. Бир қатламли кучайтирилган панелларнинг турли конструкциясини ҳисоблаш модели шакллантириш.....	3
А.И. Адилходжаев, Е.В. Щипачева, С.С. Шаумаров. Ячейкали бетон структурасини баҳолашнинг фотооптик усули.....	8
Э.С. Набиев, Н.А. Самборская. Цилиндрисмон деталларни кўп электродли эритиб қоплаш хусусиятлари.....	11
М.К. Усаров, Г.Т. Аюбов, А.С. Ювмитов. Бимоментларни ҳисобга олган ҳолда биноларнинг пластинасимон континуал модели асосида сейсмик таъсирлардаги иншоотларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш.....	13
Ж. Акилов, М. Джаббаров, Б. Мардонов. Бурғилаш суюқлиги циклик гидравлик таъсирининг бурғилаш қудуғи тубига таъсири.....	18
К.И. Байманов, К.К. Назарбеков, Р.К. Байманов. Ирригация тиндиргичларида чўкиндиларни чўкишини ҳисоблаш услуги.....	22
З.М. Маликов, А.Т. Йулдашев, М.Э. Мадалиев. Марказдан қочма ҳаво ўтказгичли сепараторнинг самарадорлигини экспериментал ўрганиш.....	27
Ф.Х. Назаров. $k-\varepsilon$ ва Спаларт – Аллмарас моделлари асосида ўққа нисбатан симметрик турбулент оқимнинг сонли тадқиқоти.....	30
И.К. Хужаев, С.С. Ахмаджонов, Х.Х. Аминов. Қиска қувур яқинлашуви доирасида қувур элементар қисмига газ ҳайдаш масаласининг ечими.....	35
Б.Х. Хужаёров, А.И. Усмонов. Фрактал тузилишли цилиндрик ғовак муҳитларда модданинг кўчиши.....	39
Г.К. Аннакулова, А.А. Шермухамедов, Б.Ж. Астанов. Трактор гидравлик осма тизими осма механизмнинг инерция ва момент кучларини аниқлаш услуги.....	44
А.А. Ризаев, А.Т. Йулдашев, Д.А. Қулдашев. Пахта териш машинасини иш унумини ҳисоблашнинг ўзига хослиги.....	49
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Пахта ипининг мустаҳкамлигига унинг деформацияланиш тезлигини таъсири.....	53
М. Тошболтаев, Р. Худайкулиев, Х. Солиев. Саккиз қаторли культиватор билан рационал агрегатланадиган трактор русумини танлаш алгоритми.....	56
Х.С. Усманов, И.З. Аббозов, А.Т. Долиев. Тозалаш жараёнида қозикчали барабанларни пахтанинг табиий хусусиятларига таъсирининг назарий таҳлили.....	60
Х. Байбулатов, Ж. Гайибов. Наманган вилоятининг умумий фойдаланиш йўлларидаги кўприк иншоотларини кўрикдан ўтказиш натижалари.....	63

Илмий ахборотлар

Ж. Мухамедов, Д.А. Абдувахобов, Н.М. Комилов. Тупрокка ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги ва унинг барқарорлигини иш кўрсаткичларига таъсири.....	67
А. Парпиев, Н.А. Хусанова. Пахта намлигига пневмоузатиш тизимининг таъсири.....	70
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Номунтазам динамик юкланишлар таъсиридаги пахта ипининг мустаҳкамлигини аниқлаш.....	73

Хроника

Машина ва механизмлар назарияси бўйича замонавий илмий мактаб асосчиси.....	76
“Академик Ҳалим Усмонхўжаев: мактаб яратган олим” (Ҳ.Х. Усмонхўжаевнинг 100 йиллигига).....	78
Ўзбекистонда «Машина ва механизмлар назарияси» фанининг фидойи асосчиси.....	79
Устозлар устози.....	80
Ўзбекистоннинг механик олимлари.....	81
Кошевников Георгий Антонович.....	81
Ҳожинова Мақсуда Аъзамовна.....	82
Бузин Евгений Иванович.....	83
Салимов Оқил Умрзоқович.....	83
Маҳкамов Руфат Ғуломович.....	84
Ширинкулов Тошпўлат Ширинкулович.....	85
Мубораков Ёрмуҳаммад Нурупович.....	86
Қозоғистон йўл илмий-тадқиқот институти 60 ёшда.....	87

СОДЕРЖАНИЕ

Ф.Э. Абдукадиров, А. Абдусаттаров, Т. Юлдашев. К формированию расчетной модели сетчатых конструкций-армированных однослойных пластин.....	3
А.И. Адилходжаев, Е.В. Щипачева, С.С. Шаумаров. Фотооптический метод оценки структуры ячеистых бетонов.....	8
Э.С. Набиев, Н.А. Самборская. Особенности многоэлектродной наплавки цилиндрических деталей.....	11
М.К. Усаров, Г.Т. Аюбов, А.С. Ювмитов. Расчет напряженно-деформированного состояния сооружений на основе континуальной пластинчатой модели зданий с учетом бимоментов при сейсмических воздействиях.....	13
Ж. Акилов, М. Джаббаров, Б. Мардонов. Циклические гидравлические воздействия промывочной жидкости на забой буровой скважины.....	18
К.И. Байманов, К.К. Назарбеков, Р.К. Байманов. Метод расчета осаждения наносов в ирригационных отстойниках.....	22
З.М. Маликов, А.Т. Йулдашев, М.Э. Мадалиев. Экспериментальное исследование эффективности центробежного воздушно-проходного сепаратора.....	27
Ф.Х. Назаров. Численное исследование осесимметричной турбулентной струи на основе моделей $k-\varepsilon$ и Спаларта – Аллмараса.....	30
И.К. Хужаев, С.С. Ахмаджонов, Х.Х. Аминов. Решение задачи о закачке газа в элементарный участок трубопровода в приближении «короткого» трубопровода.....	35
Б.Х. Хужаёров, А.И. Усмонов. Перенос вещества в пористых цилиндрических средах с фрактальной структурой.....	39
Г.К. Аннакулова, А.А. Шермухамедов, Б.Ж. Астанов. Методика определения сил инерции и моментов навесного механизма гидравлической навесной системы трактора.....	44
А.А. Ризаев, А.Т. Йулдашев, Д.А. Кулдашев. Особенности расчета производительности хлопкоуборочной машины.....	49
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Влияние скорости деформирования на прочность хлопчатобумажной пряжи.....	53
М. Тошболтаев, Р. Худайкулиев, Х. Солиев. Алгоритм выбора модели трактора для рационального агрегатирования восьмирядным культиватором.....	56
Х.С. Усманов, И.З. Аббозов, А.Т. Долиев. Теоретический анализ влияния колковых барабанов на природные качественные показатели хлопка при его очистке.....	60
Х. Байбулатов, Ж. Гайилов. Результаты диагностики мостовых сооружений на дорогах общего пользования Наманганской области.....	63

Научные сообщения

Ж. Мухамедов, Д.А. Абдувахобов, Н.М. Комилов. Влияние на работоспособность равномерности хода почвообрабатывающих машин по глубине обработки почвы.....	67
А. Парпиев, Н.А. Хусанова. Влияние пневмотранспортировки на влажность хлопка-сырца.....	70
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Прочность хлопчатобумажной пряжи при нерегулярных динамических нагрузках.....	73

Хроника

Основатель современной научной школы по теории механизмов и машин.....	76
“Академик Халим Усмонхужаев: учёный, создавший свою школу” (Посвящается 100-летию Х.Х. Усмонхужаева).....	78
Основоположник дисциплины «Теория машин и механизмов» в Узбекистане.....	79
Учитель наставников.....	80
Ученые-механики Узбекистана.....	81
Кошевников Георгий Антонович.....	81
Хожинова Максуда Аъзамовна.....	82
Бужин Евгений Иванович.....	83
Салимов Окил Умрзокович.....	83
Махкамов Руфат Гуломович.....	84
Ширинкулов Тошпулат Ширинкулович.....	85
Мубораков Ёрмухаммад Нурупович.....	86
Казахстанскому дорожному научно- исследовательскому институту – 60 лет.....	87

ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ УЗБЕКСКОГО ЖУРНАЛА «ПРОБЛЕМЫ МЕХАНИКИ»

Уважаемые коллеги! Редакция Узбекского журнала «Проблемы механики» рекомендует авторам соблюдать следующие правила при подготовке статей для ускорения процесса их опубликования:

ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1. Объём статьи – 4 страницы машинописного текста. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте в редакторе Microsoft Word, формат A4. Поля слева – 2 см; справа, сверху, снизу – 2.5 см. Текст статьи печатается через одинарный интервал, шрифт Times New Roman размером 11 пт; абзацный отступ должен быть одинаковым по всему тексту статьи и равен 1.25 см; в распечатанном виде – 2 экз. На каждом экземпляре в конце статьи должны быть подписи авторов.

2. Структура рукописи:

- УДК (индекс по таблицам Универсальной десятичной классификации);
- инициалы и фамилия (или фамилии) автора (авторов) – по центру, полужирными и прописными буквами;
- название статьи – по центру, полужирными и прописными буквами;
- текст рукописи;
- в конце статьи приводится заключение;
- список литературы;
- под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, и дату её поступления;
- после списка использованной литературы приводятся Ф.И.О. авторов, название статьи, аннотация и ключевые слова на узбекском, русском и английском языках (объём – 3–4 строки).

3. На отдельной странице представить сведения об авторах:

Фамилия, имя, отчество каждого автора – полностью (без сокращений), ученая степень, должность, место работы/учебы (организация, кафедра, отдел), сотовый, рабочий и домашний телефоны, адрес электронной почты.

4. Каждую статью сопровождают следующие документы: Акт экспертизы; решение семинара лаборатории (кафедры) или той организации, где работает автор; официальное письмо руководителя организации на имя главного редактора журнала академика Т.Р. Рашидова с указанием возможных вариантов финансирования статьи.

5. Представленная статья проходит неоднократно предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи. Просьба редакции о переработке статьи в соответствии с замечаниями рецензента не означает, что статья принята к печати. После переработки статья вновь рассматривается редколлегией. После переработки к новому варианту текста статьи прилагается письмо автора (ов), в котором содержатся подробные ответы на замечания и вопросы, поставленные в отзыве рецензента, и комментируются все исправления, внесенные в текст рукописи в процессе ее переработки. После принятия к публикации статья редактируется научным редактором.

6. Каждый автор в обязательном порядке должен иметь квитанцию на годовую подписку журнала.

7. Автор(ы) должен (должны) гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

ОФОРМЛЕНИЕ АННОТАЦИИ (реферата статьи) И КЛЮЧЕВЫХ СЛОВ

Аннотация – краткое изложение содержания научного труда, дающая обобщенное представление о его теме и структуре. Аннотация, фамилия, имя, отчество автора (авторов), название статьи и ключевые слова представляются на 3-х языках (узбекском, русском, английском). Аннотация должна содержать не менее 3–5 предложений и не должна повторять название статьи.

Ключевые слова должны обеспечить наиболее полное раскрытие содержания статьи. Статья должна содержать не менее 5–7 ключевых слов в порядке их значимости, т.е. самое важное ключевое слово должно быть первым в списке.

ОФОРМЛЕНИЕ ФОРМУЛ

Сложные формулы выполняются при помощи встроенного в WinWord редактора формул Microsoft Equation 3.0: обычный – 11 пт, крупный индекс – 7 пт, мелкий индекс – 5 пт, крупный символ – 17 пт, мелкий символ – 11 пт.

По возможности рекомендуется избегать субиндексов (индексы у индексов). Готические и русские буквы в формулах не используются. Разметка формул обязательна, если на них имеется ссылка в тексте.

Обозначения должны быть простыми и понятными, следует избегать нагромождения индексов.

Формулы располагаются по центру текста, их порядковый номер указывается в круглых скобках и размещается в строке с выравниванием текста по правому краю. Для ссылок на формулы в тексте используются круглые скобки – (1).

ОФОРМЛЕНИЕ РИСУНКОВ И ТАБЛИЦ

Графики, рисунки, фотографии и таблицы вставляются в текст после первого упоминания о них в удобном для автора виде. Рисунки (графики и фотографии) по размеру не должны превышать 15 – 17 см. Бледные, плохо пропечатанные рисунки не принимаются. Фотографии должны быть хорошего качества, четкими и контрастными.

Название рисунка и подрисунковые подписи, а также название таблицы и ее содержимое печатаются через одинарный интервал, с выравниванием по центру, шрифтом Times New Roman размером 9 пт.

ОФОРМЛЕНИЕ СПИСКА ЛИТЕРАТУРЫ

Ссылки на литературные источники указываются в квадратных скобках [1] строго в порядке цитирования. Описание каждого источника должно соответствовать приведенному описанию источника на обороте его титульного листа, с указанием города, издательства, года выпуска, количества страниц.

Если в написании статьи используются законодательные документы и нормы, то авторам следует использовать официальные источники или веб-сайт www.lex.uz с соответствующей ссылкой на них.

При цитировании, если необходимо выделение конкретных страниц монографии или учебного пособия, их указывают после номера ссылки, например [1. С. 125 – 128].

Список литературы приводится в конце в соответствии с ГОСТом. Примеры оформления списка литературы:

- [1] Ляхов Г. М. Волны в грунтах и пористых многокомпонентных средах. М.: Наука, 1982. – 286с.
- [2] Сагдиев Х. С., Саидий С. А., Тешабоев З. Р., Фасахов В. Г. Инженерный анализ последствий землетрясения 20.07.2011 г. // Проблемы механики. 2011. № 2. С. 8 – 13.
- [3] Ашрабов А. А. К исследованию контактных взаимодействий в трещинах железобетонных элементов // Сб. трудов РААСН. М., 2009. С. 89 – 94.
- [4] Аббасханов М. Н. Разработка технических средств и технологий по водосбережению и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель: Дис. ... канд. техн. наук. Ташкент, 2011. – 119 с.
- [5] Махкамов Р. Г., Негматов С. С., Гулямов Г. и др. Композиционные материалы на основе древесины и модифицированных полимеров // Композиционные материалы. Ташкент, 2004. № 1. С. 60 – 61.
- [6] Отчет о НИР по теме: «Экспериментально-теоретические исследования сейсмообеспеченности эксплуатируемых школьных зданий с учётом физического износа и разработка рекомендаций по применению эффективной технологии усиления строительных конструкций для обеспечения сейсмостойкости». Ташкент, 2005. – 327 с.
- [7] СН-8–57. Нормы и правила строительства в сейсмических районах. М.: Госстройиздат, 1958. – 102с.
- [8] Патент РУз № 03270. Винтовой конвейер / Шукуров М. М., Махкамов Р. Г., Негматов С. С., Гулямов Г. и др. // Расмий ахборотнома. 2007. № 2.

Материалы, не соответствующие вышеуказанным требованиям, не рассматриваются и обратно не высылаются! Редакционный совет оставляет за собой право публикации или отклонения рукописи. Отклоненные рукописи не возвращаются.

ВНИМАНИЕ!

Подписка – 2020

Продолжается подписка

на Узбекский журнал «Проблемы механики»

Подписной индекс – 880

Периодичность – 4 номера в год

Подписку можно оформить во всех Отделениях связи!

Редактор: Н.А. Нишонов
Технический редактор: Е.В. Ан

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации Республики Узбекистан 22.12.2006 г.
Регистрационный номер 0050.

Сдано в набор 06.09.2019. Подписано в печать 30.09.2019.
Формат 60×84 ¹/₈. Гарнитура Times New Roman. Ризография.
Усл.-печ. л. 10.69. Уч.-изд. л. 7.18. Тираж 100. Заказ № 621.
Цена договорная.

Отпечатано в Минитипографии АН РУз:
100047, г. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.